



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2002 йил 29 июнь, шанба

№51 (11.439)

Эркин нарҳда сотилади

## ХУСУСИЙ ТАРМОҚ — ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ

Бозор кўникмаларини ривожлантириш марказида Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси томонидан ташкил этилган "Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш самарадорлигини ошириш муаммолари" мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш хусусий мулкчилик тамойиллари амал қиладиган демократик жамиятга ўтиш жараёнининг узвий қисми ҳисобланади. Айнан мулкчилик шаклининг ўзгариши ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш муносабатларини тўғри ташкил этиш, меҳнатга муносабатни бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда шакллантиришга хизмат қилади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда бошланғич капитални шакллантириш учун маблағ ажратиш йўли билан кичик ва ўрта бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш тобора кенгайтириляпти, хусусий тармоқ ўзининг мустақкам қонуний базасига эга бўлиб бормоқда.

Шунга қарамай, тармоқнинг бугунги аҳволи бозор муносабатларини шакллантириш талабларига ҳали тўла жавоб бераётганича йўқ. Анжуманда кичик ва ўрта бизнес ривожига тўсиқ бўлаётган муаммолар ва уларнинг ечимини топиш масалалари юзасидан йирик иқтисодчи олимлар, молия ҳамда ҳуқуқий муассасалар вакиллари ва сугурта соҳаси мутахассисларининг маърузалари тингланди.

Норгул АБДУРАИМОВА,  
ЎзА мухбири.



## УЧ ЙИЛДАН БЕРИ БИРИНЧИ

«Тошкент» ширкат хўжалиги галлакорлари ҳар йилги анъаналарига содиқ қолиб, давлатга дон сотиш шартнома режасини Тошкент туманида биринчи бўлиб адо этдилар.

300 гектар майдонга экилган «Ғайрат» бугдой нави кутилганидан ҳам мўл ҳосил тўқди. Тўрт иш кунини давлатга 616,6 тоннадан топширилиб, шартнома режаси ортиги билан бажарилди. Хўжалик бўйича ўртача ҳосилдорлик 43,8 центнерданга тўғри келди.

Хўжалик уруғчиликка ҳам ихтисослашган. Бу йил 100 гектар майдонда уруғлик галла етиштирилиб, 300 тоннадан зиёд уруғлик дон тайёрланди.

Шуниси диққатга сазоворки, шартнома режаси 145 гектар майдондаги ҳосил ҳисобидан қопланди. Ҳали 155 гектар ўрилмаган галла бор. Демак, бу

## Ғалла — 2002

• Вилоят ғаллазорларида ўрим-йиғим ҳал қилувчи паллага кирди. Ўтган кунни жами 398та комбайн, шу жумладан, 165та «Кейс» ўримда иштирок этди. Бир кунда 3925 гектар майдондаги дон ўриб-янчиб олинди. Шу кунгача давлатга сотилган дон 156100 тоннага етди. Бу йиллик режага нисбатан 58,5 фоизга тенгдир.

• Юқоричирчиқ, Ўртачирчиқ ва Куйичирчиқ тумани галлакорлари кунлик ўримда энг юқори суръатга эришдилар. Ушбу туманларда ўтган кунни йиллик режага нисбатан 6,5-9,5 фоиз миқдорда галла тайёрланди. Бекобод, Куйичирчиқ, Окқўрғон туманларида кечаги кунгача давлатга режага нисбатан 76-84,4 фоиз дон топширишга эришилди.

• Ўнлаб оилавий пудратчилар шартнома режасини икки ҳисса ортиги билан қоплайдиган даражада мўл ҳосил етиштирдилар. Янгийўл туманидаги Н.Ниёзов номли хўжалиқдан Низом Эргашев, «Ковунчи» хўжалиқдан Хусан Абдусаломов, «Ниёзбош» хўжалиқдан Абдуманноб Қўшоқов, Қибрай туманидаги «Маданият» хўжалиқдан Фатҳилла Раҳматиллаев, Куйичирчиқ туманидаги «Тошовул» хўжалиқдан Василий Купрятий гектаридан 70-78,3 центнердан хирмон уйдилар.

Йил хўжалик омбори ҳам пудратчиларнинг уйлари ҳам донга тўлади.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,  
«Тошкент ҳақиқати»  
мухбири.

СУРАТДА: хўжалик бош ҳосилоти Абдураҳим Каримов комбайнчи Василий Сушченко билан навбатдаги майдонда ўрмини бошлаш олдидан маслаҳатлашмоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.

## ИФТИХОР РАМЗИ



Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг рамзларида бири — Давлат герби қабул қилинганига ўн йил тўлапти. 1992 йилнинг 2 июль кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўнинчи сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган эди.

Давлат гербимиз кўринишида серкўёш мамлакатимиз табиати, бойликлари, иқтисодий салоҳияти яхлит ифодаланади. Тоғлар, дарёлар, ўнг ва сўл томонлардаги пахта чаноклари ва бугдой бошоқлари юқоридаги саккиз қиррали юлдуз — Ватан хурлиги рамзида уйғунлашган. Унинг марказидаги ярим ой ва юлдуз ҳам биз учун ниҳоятда қутлуг.

Гербнинг барча қисмлари бахт ва эрксеварлик тимсоли — хумо қушининг қанотлари остида. Давлат байроғи ифодаси бўлган чамбар лента бантига «Ўзбекистон» деб ёзиб қўйилган.

Мана, ўн йилдирки, мустақил ва суверен мамлакатимизнинг бу герби келажиги буюк Ўзбекистон халқларини бунёдкорлик ишларига даъват этиб келмоқда. Давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари бу миллий рамзимиз ўзида акс эттирган мазмун-моҳиятни аҳолининг барча қатламлари онги ва идрокига сингдириб келмоқдалар.

## КУМУШКОНГА ЙИҒИЛДИЛАР

Тошкент вилоятида матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг касб байрами кенг нишонланди. Вилоят ва Паркент туман ҳокимликлари «Кумушкон» дам олиш уйида вилоят, шаҳар ва туман матбуотчилари, вилоят радио ва тележурналистлари, матбаа ходимлари учун сайил уюштирди.

— Жамиятимиздаги ижтимоий-сиёсий ва маънавий ўзгаришларда, иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилишида сизларнинг меҳнатингиз ниҳоятда муҳим ўрин тутади, — деди вилоят ҳокимининг ўринбосари Абдукарим Раҳимбердиев.

Бир гуруҳ ижодкорларга вилоят ҳокимининг Фахрий ёрликлари топширилди. Вилоят ҳаётини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб келаятганлиги, халқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга қўшаётган ҳиссалари учун «Тошкент» студияси шарҳловчиси Шоирхўжа Сид-

дикхўжаев, Бўка тумани босма-хонасининг ишчиси Туроб Умаров, «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари бўлим мудирлари Жўра Саъдуллаев ва Юрий Черногаев, «Пойтахт» ахборот дастури бош муҳаррири Раҳматжон Бўрибоев, «Оққўрғон овози» газетаси муҳаррири Абдулла Маъдиевлар тақдирланишди.

Паркент тумани ҳокими Мирзамашраб Куччиев, «Нуроний» жамғармаси вилоят кенгашининг раиси Нуъмон Насимов ва бошқалар матбуотчиларни табриклашди.

Ўз мухбиримиз.

30 июнь — Савдо, матлубот кооперацияси ва аҳолига  
маиший хизмат кўрсатиш ходимлари кунини

## ҲАМИША ХИЗМАТДАМИЗ

Бу ҳаётда ҳеч киши йўқки, ҳар кунини жилла курси, бир мартаба савдо ходимлари билан муносабатда бўлмасин. Бунинг бугунги мулк хилма-хиллиги шароитида, савдо ва пулли хизмат шакллари бағоят кўпайиб бораётган бир пайтда айниқса яққол ҳис қилмоқда-

— Мустақиллик йиллари вилоятимизда «Матлуботсавдо»нинг акциядорлик ва мулкчиликнинг бошқа турларига мансуб яхлит тизими пайдо бўлди, — деди «Тошкент ҳақиқати» мухбирига вилоят «Матлуботсавдо» акциядорлик компанияси бошқарувининг раиси Қудратилла Маҳаммаднов. — Бугунги кунда компаниямиз таркибида 15 та туман ак-

циядорлик матлубот жамияти, хўжалик ҳисобидаги 45 та ишлаб чиқариш корхонаси, 13 та умумий овқатланиш корхонаси бор. Хўжалик ҳисобидаги махсус давлат таъминоти фирмалари, бўрдоқчилик хўжаликлари, автокорхоналар, қурилиш, таъмирлаш ва монтаж ташкилотлари, турли иқтисоддаги бошқа корхоналаримиз ҳам фаолият кўрсатаётди. Тошкент кооператив таҳриба коллежи савдо-

миз. Вилоятимиздаги бу соҳадаги хизмат кўрсатувчилар орасида вилоят «Матлуботсавдо» ҳиссадорлик компаниясининг етакчилиги ўрни ўзига хос қўламли ва самарали. Бу жиҳатлар касб байрами арафасидаги сарҳисобларда айниқса яққол кўзга ташланади.

ли, малакали сотувчи ходимлар тайёрлаб бераётди.

— Савдо амалиётида турли мулкчилик шакллари пайдо бўлиши, табиийки, рақобатни кучайтиради. Бу жиҳатдан вилоят «Матлуботсавдо» акциядорлик компаниясининг мавқеини қандай баҳолайсиз?

— Мамлакатимиз Президентининг (Давоми 2-бетда).

## Аёллар ўқув- семинари

**Тошкент Давлат Аграр университетидида "Нодавлат, нотижорат ташкилотлар ва жамият" мавзuida ўқув-семинар бўлиб ўтди.**

Унда Тошкент вилояти шаҳар ва туманларининг хотин-қизлар кўмиталари раислари, вилоятдаги нодавлат, нотижорат ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Семинар мамлакатимизда 1995 йилдан буён фаолият юритаётган АҚШнинг Каунтерпарт Консорциум жамғармаси ва вилоят хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

— Ўқув-семинарни ташкил этишдан мақсад — ижтимоий фаол аёлларимизни бу борадаги чет эл тажрибалари билан яқинроқ таништириши, — дейди вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси Адиба Аҳмаджонова. — Жамиятимизда аёллар мавқеи тобора юксалиб бормоқда. Раҳбарлик лавозимида ишлаётган аёлларимиз фаолият жараёнида турли мураккаб муаммоларга ҳам дуч келиши мумкин. Халқаро жамғарма мутахассислари семинар давомида ўз тажрибалари билан ўртоқлашиб, етакчи аёлларимиз билан дунё ҳамжамиятида эркин мулоқот ўрнатиш кўникмалари бора-сида фикр алмашди.

Ўқув-семинар қатнашчиларига Каунтерпарт Консорциум жамғармасининг махсус сертификатлари топширилди.

**Л. СУВОНОВ,  
ЎЗА мухбири.**

**Тошкент вилояти ҳокимлигининг педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти биноси залида 2002 йил 9 июль куни соат 15.00да мактаб ўқув мебеллари кўргазмаси ва танлови бўлиб ўтади.**

**Кўргазмада ўқув мебеллари ишлаб чиқарувчи барча корхоналар иштирок этиши мумкин.**

**Манзил: Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси 64-уй, вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти биноси. Мурожаат учун телефон: (8-371) 55-53-62.**

Барча хўжалик юритувчи субъектлар ва солиқ тўловчилар ўз фаолиятлари давомида юзага келган муаммо ва фикр-мулоҳазаларини қуйидаги «Ишонч телефони» орқали маълум қилишлари мумкин.

**137-54-49** — Хўжалик юритувчи субъектларда назорат идоралари томонидан ўтказилаётган текширишларга оид саволлар.

**137-60-11** — Солиққа тортиш ва солиқ қонунчилигига оид саволлар бўйича.

**137-60-03** — Тошкент вилояти Давлат солиқ бошқармаси, Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи вилоят комиссияси.

ти жамиятдаги ижтимоий-маънавий кайфиятни белгилувчи омиллар қаторида савдога ҳамшиша алоҳида урғу берадилар. Савдо маданияти, хизмат кўрсатиш даражасининг юқори бўлиши кўп нарсага боғлиқ. У ёки бу қишлоқда ёки шаҳарчаларда савдо ва умумий овқатланиш корхонаси қаерга жойлашганлиги, сиртки ва ички кўриниши ҳам катта аҳамиятга эга. Шу боис биз янги савдо

туширилди. Янги 10та умумий овқатланиш корхонаси бунёд этилди. Улар бирийўла 573 хўрандага хизмат қила олади.

Айтишингиз мумкин: янги савдо ва умумий овқатланиш корхоналари қурилишининг рақобатбардошликка қанчалик дахли бор? Бевосита. Чунки савдо ва бошқа хизмат турлари кўпайиб, товар айланмаси ортиб бормоқда. Биз ходимларимизнинг ташқи кўринишидан тортиб, муомала мадания-

тигача харидорга манзур ва муносиб бўлишига ҳаракат қилаяёмиз.

Савдо бўйича фойда ва самардорлик кўрсаткичларига назар ташласак, акциядорлик компаниямиз рақобат бобида хийла устунликларга эга эканлигини кўраёмиз. Ўтган йили жами мол айлиниши 21 миллиард 214 миллион сўмни ташкил этди. Фойда олиш режасини 57,7 фоиз ошириб бажардик. Бекобод, Оққўрғон, Юқори-чирчик, Оҳангарон туман хиссдорлик матлубот жамиятлари бу борада айниқса юқори кўрсаткичга эришдилар.

**— Жуда муҳим бўлган қишлоқларда янги иш ўринларини ташкил этишда «Матлуботсавдо»нинг иштироки ҳақида ҳам тўхталсак?**

— Ўтган йилнинг июнидан бошлаб бугунгача бу соҳада амалга оширилган ишларга эътиборингизни қаратишни истардим. Шу ўтган муддатда вилоятимиз туманларида янги қурилган 17 та дўконда ҳам аҳолига савдо хизмати кўрсата бошладик. Уларнинг 11тасини супер ва мини маркетлар ташкил этади. Икки жойда нон корхонасини ишга туширдик. Шу-

лар ҳисобига 378та ишчи ўрни ташкил этилди.

**— Анъанавий савол: режалар ҳақида гапириб берсангиз.**

— Қишлоқ матлуботчилари ҳамшиша тижорат, олди-соттини ишлаб чиқариш билан уйғунлаштириб боришади. Ҳозирги бозор муносабатлари шароитида бу жиҳатга талаб яна ҳам ортаяпти. Биз ҳам давр талабига ҳамқадам бўлишга интилоқдамиз. Айтмоқчиманки, компаниямиз нафақат савдо, балки ишлаб чиқариш билан тобора кенг шуғулланмоқда. Бизнинг корхоналаримиз йилига ўртача 4,8-5 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқармоқда. Сўнгги бир йилда 173 миллион сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқардик. Сифатни яхшилаш, кўришни қилиб қадоқлаш орқали маҳсулот харидорлигини кўпайтиряёмиз. Бир йилда истеъмоличиларга кўп миқдорда озик-овқат, макарон, нон ва нон маҳсулотлари, алкоғолсиз ичимликлар, колбаса ва консерва, ноозиқ-овқат моллари этказиб бердик. Режамиз — бу жараёни барқарор тус олдириш. Шу мақсадда янги цехлар, кичик корхоналар ташкил этмоқдамиз. Аҳоли талаб ва эҳтиёжини ўрғаниш асосида харидорлар моллар ишлаб чиқаришни жадал кўпайтириш йўлига ўтдик.

**— Газетхонларга истакларингиз?**

— Ҳар бир хонадонда маъмурчилик бўлсин. Биз эса, сизларга хизмат қилиб ҳоримайлик.

**ТАҲРИРИЯТДАН:** «Тошкент ҳақиқати» ижодкорлари ва кўп сонли муштарийлар номидан савдо, матлубот кооперацияси ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳалари ходимларини касб байрами билан чин қалбдан қутлаймиз. Эл-юрт хизматида асло чарчаманг, сизларга ҳамшиша муваффақиятлар ёр бўлсин.

## ҲАМИША ХИЗМАТДАМИЗ



шаҳобчаларини барпо этишга киришаётиб, бу жиҳатларни алоҳида эътиборда тутамиз. Капитал қурилишининг кўламлари, асосий воситаларини ишга тушириш суръатларига назар ташлайдиган бўлсак, бу борада анча ишлар қилинаётганлигини тасаввур этиш мумкин. Сўнгги икки йилда вилоятимиз туманларида 1400 квадрат метр сахнали 30га яқин савдо дўкони ишга


(Давоми. Боши 1-бетда).



## "Шанкар-2001" ғолиблари тақдирланди

**Ўзбекистон Бадий академияси марказий кўргазмалар залида Ҳиндистонда бўлиб ўтган "Шанкар-2001" халқаро болалар расмлари кўргазмаси ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**

"Шанкар" кўргазмаси ҳар йили ташкил этилади. Ушбу кўрик-танловда мамлакатимиздаги турли ўқув масканларида таҳсил олаётган истеъдодли юртдошларимиз она-табиат, тинчлик, дўстлик



мавзуидаги туркум суратлари билан қатнашди. Бу галги танловда ўн нафар ёшларимизнинг расмлари танловнинг кумуш медали ҳамда махсус дипломига сазовор бўлди.

ЎЗА.



## Ўзаро фойдали учрашув

**Пойтахтимиздаги "Буми Тошкент интернешнл" меҳмонхонасида Корея савдо делегацияси билан учрашув бўлиб ўтди.**

Ушбу тадбир Республика ва шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси томонидан мамлакатимиз Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги кўмагида ташкил этилди.

Унда республикаимиздаги давлат ва хусусий компаниялар вакиллари иштирок этди. Учрашув залида ҳар бир корейлик тадбиркорга ўзбекистонлик тадбиркорлар билан юзма-юз музокара олиб бориш учун алоҳида стол ажратилди.

ЕВРО ФОРМ силлиқ қолиплари, тўшамалар, нарвонлар ва кўчма контейнерлар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи BUMNONG CO.LTD компанияси маҳсулотлари тадбиркорларимизда катта қизиқиш уйғотди. Ушбу ускуналар монолит темир-бетондан саноат ва ижтимоий объектларни тез ҳамда сифатли қуришда ниҳоятда асқотади.

DONGYANG SAFE компанияси эса ташкилотлар, банклар ва шахсий фойдаланиш учун 60 га яқин турли сейфларни таклиф этди. Ушбу компания сейфлари кулфларининг ўзига хослиги, мустаҳкамлиги, ўтга чидамлилиги, замонавий дизайни ва ранг-баранглиги билан ажралиб туради ҳамда уларнинг нархлари анча арзон.

Корея Республикасининг 1962 йилда ташкил этилган Савдо ва инвестицияни ривожлантириш агентлиги ҳам мазкур учрашувни ўтказишда катта рол ўйнади. Ушбу нотижорат, нодавлат ташкилотни ташкил этиш мамлакатнинг фаол савдо балансини сақлаш ва мустақил иқтисодийetni қуриш бўйича миллий сиёсатига асосланган.

**Ж. РАУПОВ,  
ЎЗА мухбири.**

## «ТОШКЕНТВИЛОЯТУЛГУРЖИСАВДО»

Ўз акциядорларига шуни маълум қиладики, акциядорларнинг умумий йиғилиши шу йилнинг 30 июль куни соат 15.00да Тошкент шаҳар, Сергели-4 мавзеси, Қипчоқ кўчаси, 56А-уйда бўлиб ўтади.

### КУН ТАРТИБИ:

1. Кузатув кенгаши, тафтиш комиссиясининг таркибини ўзгартириш.
2. Низом жамғармасини аниқлаш ва тасдиқлаш.
3. Ҳиссдорлик жамиятининг 2001 йилдаги хўжалик-молиявий фаолияти яқунларини тасдиқлаш.
4. Йиллик ҳисоботларни, бухгалтерлик балансини, фойда ва зарарларни, тафтиш комиссияси актини, аудитор хулосасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.
5. 2002 йил учун аудиторни тасдиқлаш.
6. Бошқа масалалар.

2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили

# ҚИБРАЙ БУЛОҚЛАРИ

**Ватан — маҳалладан, маҳалла эса хонадондан бошланади. Оилалардаги тинчлик, тотувлик, аجدодларнинг ибратли анъаналарига садоқат, баркамол, меҳр-оқибатли фарзандларни ўстириб-улғайтириш**

**Йўлидаги саъй-ҳаракатлар маҳалла осойишталиги, тинчлиги ва юрт равнақининг асосидир. Қибрай тумани, унинг шаҳарчалари ва қишлоқларида бунинг мукамал инъикосини кўриш мумкин.**

## 1. ОЛАМЖАҲОН БИР ДУНЁ

— Туманимиз 90 маҳалладан иборат, — дейди ҳоким Саидхўжа Тошхўжаев. — Демак, шаҳарча ва қишлоқларимизда менинг 90 вақилим, ёрдамчим, кўмакчим, таянчим иш олиб бормоқда. Бу маҳаллаларнинг ҳар бири оламжаҳон бир дунё. Кейинги йилларда маҳаллий ҳокимият идораларининг кўпдан-кўп вазифаларини маҳаллалар фуқаролари йигинлари зиммасига топшираётимиз. Оқсоқолларнинг жамоатчилик орасидаги маънавий-амалий-ҳуқуқий нуфузини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз...

Олиб борилаётган ишларнинг бугунги натижалари кишини қувонтиради. Маҳаллалар сўнгги ўн йил ичида жамиятда рўй берган янгиланиш, ижтимоий-иқтисодий ўзгартиришларнинг, янги-ча фикрли инсонларни тарбиялашнинг чинакам негизига айланиб бормоқда. Туман шаҳарчалари, қишлоқларида бўлсангиз, ана шу жараённинг куйди-пишди, ташаббускор ва, энг муҳими, тадбирли етакчилари, ташкилотчилари билан учрашиб, суҳбатлашасиз. Одатда булар кўпни кўрган, маҳалла-кўй наздида ниҳоятда обрў-эътиборли, одамларга «сўз» айтиш учун маънавий ҳуқуқи юксак кишилардир.

**Маълумотномадан:** «Қибрай туманида ўтган йили учта мактаб, биттадан поликлинника ва қишлоқ маданият саройи, жами 11 та янги ишшоот фойдаланишга топширилди. Бу йил жами 1600 ўқувчи тўрт мактаб, «Оналар ва болалар» мажмуи барто этиламоқда».

Суҳбат чоғи «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман бўлимининг раҳбари ўткир Усмонов маҳаллаларда самарали фаолият кўрсатаётган тажрибали тарбиячиларни номма-ном тилга олди. Қибрайда Кўчқор Маҳмудов, Василя Султонова, Муаззам Алиева сингари меҳнат ва уруш фахрийлари ёшлар меҳнатсевар, ҳалол ва ватанпарвар инсонлар

бўлиб етишишлари учун кўп куч ва гайрат сарфламоқдалар. «Энг обод маҳалла», «Энг обод кўча», «Энг обод хонадон» кўрик-танловларида ҳар бир ҳудудда содир этилган жиноятлар, айниқса, ёшлар ўртасидаги жиноятчилик таҳлил қилинмоқда. Ёшлар иболи, ҳаёли ва маънавий жиҳатдан тук инсон бўлиб камол топишлари учун ибратли оилалар билан учрашувлар уюштирилади.

Янгиобод қишлоғида маҳалла оқсоқоли Ботир Султоновни тўғрисида, адолатли, тутган жойини кесади, деб таърифлашди. Шу боис ҳамма иш рисолада, тўйлар, турли оилавий талбирлар гоят мазмунли,



завқли, ўйин-кулги билан ўтади. Учрашувлар, суҳбатлар, савол-жавоб кечаларида одамлар қалбига яхшилик, эзгулик, меҳр-оқибат, ҳақиқат ва шафқат уруғлари сочилади. Кексаларнинг ибратли ҳикояларини ёшлар ҳамиша эътибор бериб тинглашади, уларнинг насиҳатлари, маслаҳатлари йигит-қизлар учун ҳаёт андозаси бўлиб хизмат қилади.

— Балки шунинг учундир маҳалламиз хонадонлари турли ранж



Иккинчидан, халқимизнинг илм-маърифатга, тадбиркорлик ҳаракатига иштиёқи кучли. Фан ва техниканинг турли соҳаларида илмий-амалий изланишлари билан танилган, иқтисодини мамлакатимиз равнақига бағишлаган қозоқ, рус, уйғур, татар ва бошқа миллатларга мансуб ҳамқишлоқларимиз билан фахрланамиз. Демак, тарбиявий иш даражаси ҳам шунга яраша

## 4. НАВҚИРОН КУЧЛАР ИШТИЁКИ

Қибрайда спортни севишади. Туман спортчиларининг катта-кичик мусобақалардаги ютуқлари қувончли.

— Вояга етмаган болаларнинг бекор юриши, бирон-бир фаолият билан шуғулланмаслиги турли ноҳуш оқибатлар келтириб чиқариши аён, — дейишди «Маҳалла» жамғармаси туман бўлимида. — Шуни ҳисобга олиб, ҳар бир маҳаллада спорт мажмуи барпо этилаётимиз.

Шу йилнинг ўзида Соҳибкор маҳалласида волсйбол, баскетбол майдончалари, Қипчоқ маҳалласида шохмот-шашка клуби очилди. Янгиобод қишлоғида янги спорт мажмуи қуриляпти.

**Маълумотномадан:** «Қибрай туманида мустақилликнинг ўн бирин-

чи йилида ижтимоий хусусиятдаги қурилышлар ва ободлаштириш ишларига 1,5 миллиард сўм сарфланмоқда».

Қибрай ёш спортчилари «Футболимиз келажаги» республика турнирида фаол. Маҳаллалар ўртасида уч тоифа ёшдаги футболчиларнинг беллашувлари давом этмоқда. Уларда 2 мингдан зиёд ўсмирлар қатнашаётгани ҳисобга олинса, бу ҳаракат кўламани аниқ тасаввур этиш мумкин.

Янгиобод қишлоғининг ўзида 21та болалар, учта қариялар футбол жамоалари шаклланди. Қишлоқдаги ҳеч бир оммавий сайил ёки тадбир футбол, шохмот-шашка, енгил атлетика мусобақаларисиз ўтмайди.

Ҳа, Қибрайда жўшқин булоқлар кўз очмоқда. Улар қўшилиб, уйғунлашиб, тиниқ дарёни — янги-ча фикрли, янги-ча маънавий қиёфали, янги-ча саъй-ҳаракатлар учун белни пухта боғлаган авлоднинг камол топтиришга, янги-ча жамиятни вужудга келтиришга, бу янги, қудратли оқим фикри бир, интилишлари муштарак хонадонлардан жамланган маҳаллалар — туби теран чашмалардан ирмоқ олмақда.

Янгиободликлар меҳнатни ҳам қилишади, сайру саёҳатни ҳам.

— Самарқанд шаҳрига саёҳат уюштирдик, — деди-да, Малика опа маҳалла оқсоқоли Абдували Умаровга юзланди. — Энди Туркистон ва Фарғона сафарларини мўлжаллаб турибмиз. Кексаю ёш бу саёҳатлардан кўп нарса олаётми, маънавий дунёси бойиб қайт-япти.

Кадр-қиммат, меҳр-оқибат, хайр-эҳсон замонга хос бир уйғунликда намоён бўляпти. Янгиобод маҳалласида аҳолининг турли қатламларини ижтимоий ҳимоялаш амалиёти билан таништиришди. Маҳаллада 2270 киши яшайди. Шундан 785 киши меҳнатга лаёқатли. Бу йил мактабларни битирган йигит-қизлардан ташқари бирор донмий иш билан банд бўлмаган 200 га яқин киши бор. Табиийки, бошқа муаммолар ҳам йўқ эмас. Бу йил ўн киши ҳазони ўташ жойларидан қайтиб келди. Маҳалла фаоллари уларни ишга жойлаштириш учун ҳаракат қилишди. Эндиликда бу кишилар Мусамуҳамедов номли, «Каттасув» ширкат хўжаликлари, паррандачилик фабрикасида ишлаяпти.

Ногиронлар, болали ва кам таъминланган оилалар давлат нафақасини мунтазам олиб туришибди. Уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг барча манбалари ишга солинапти. Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида барча тоифадаги оилалар 3 миллион сўмдан зиёд нафақа олишди.

**ЖўРА САЪДУЛЛАЕВ,  
«Тошкент ҳақиқати»  
муҳбири.**

**СУРАТЛАРДА:** туман нурунийлар орамгоҳида маҳалла вақиллари учун уюштирилган сайлдан лавҳалар.

**Е. БОТИРОВ олган  
суратлар.**

## 3. МУАММОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИБ

— Мана шу булоқлар кўзини ўзимиз очганмиз, — меҳнат фахрийси Абдували Умаров икки найчадан бетиним отилиб, ҳовузга куйилиб турган фонтанчаларга ишора қилди. — Қишлоғимизнинг турли чеккаларида бундай тиниқ булоқларни кўп очганмиз. — Янгиободнинг ўзи жўшқин тиниқ бир булоқ, — деб қўйди қариялардан бири.

Бу луқмани даврада ўтирган Рустам Йўлдошев, Абдулла Қодиров, Ёқубжон Каримов ва Тешабой Расулов сингари меҳнат фахрийлари тўғри ва жиддий қабул қилишди. Ва, бу чашма ҳислатлари фаилатларидан, унинг теварагидаги муаммолардан сўз

очишди:

**Рустам Йўлдошев:** «Бу дунёдаги мукамалликнинг ибтидоси — меҳнат. Мана мен оддий тракторчи-ман, умрим бўйи Тошкент трактор заводида синовчи бўлиб ишладим. Олти ўғил, икки қизни вояга етказиб, бошларини қовуштириб, уйли-жойли қилишим учун шу меҳнатим асос яратди. Фарзандларим ҳам ватанпарвар, меҳнатга интилувчан бўлиб етишишди. Асосан шу трактор заводида ишлаяпти».

**Абдулла Қодиров:** «Маҳалламиздаги бугунги осойишта ҳаёт, оилалардаги тотувликнинг асоси кекса авлоднинг ибратиди. Тарбияда аввало ота-онанинг ибратиди, намунаси муҳим».

**Ёқубжон Каримов:** «Шукрки, қоқилаётган жойимиз йўқ».

**Маълумотномадан:** «Янгиобод қишлоғида маънавий хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалик, паррандачилик-тадбиркорлик йўналишлари бўйича учта коллеж, учта умумтаълим мактаби, олти болалар боғчаси фаолият кўрсатмоқда».

**Тешабой Расулов:** «Бугун қизиқ-қизиқ ҳангомаларни кузатаёلمизки, улар тарбияга салбий таъсир кўрсатяпти. Илгариги арақхўрлик, кашандачилик қаторига бугун гиёҳвандлик ҳам қўшилди. Маҳалламизда Озод Шарофудинов, Тошўлат Бобоқонов, Исмоил Жуманиезов каби фозилу фузалолар маслаҳатлашиб, ёшлар билан махсус

ишлаш, уларни китобхонликка жалб қилишга келишиб олдиқ. Хонадонлардан китоб йиғиб, кутубхона барпо этдик. Шоирлар ва ёзувчилар иштирокида адабий кечалар уюштирамиз.

Яна бир муаммо — телевидение кўрсатувлари билан боғлиқ. Бизнинг турмуш тарзимизга, миллий руҳиятимизга ёт кинофильмлар, сериаллар кўп намоёиш қилинади. «Кўрманг», десак болалар ҳақли савол беришади: «Нимани кўрамиз?» Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган «Тоҳир ва Зухра», «Алишер Навоий», «Улуғбек» сингари фильмлар нега намоёиш қилинмайди? Қозғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Миср, Россия кино усталари яратган тарбиявий таъсири кучли фильмлар қаёққа кетди?»

# Dushanba

1

## «Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.45 «Тахлилнома»  
8.45, 17.55 ТВ маркет.  
8.50 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Санъат ошиёни».  
9.10 «Камалак». Болалар учун кинодастур.  
9.40 «Туртинчи ҳокимият».  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилıklar  
10.05 «Баланд тоғлар остида». Бадий фильм. 1-2 қисмлар.  
11.05 «Гиёҳвандлик - аср вабоси».  
11.25, 13.25, 17.10 ТВ анонс.  
11.30 «Муסיқий учрашувлар».  
**«Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайёраси»:**

12.05 1. «Улғайиш погоналари». 2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.  
13.05 «Яккама-якка жанг». Спорт дастури.  
13.30 «Ошин». Телесериал.  
14.10 «Обод уйда пок одамлар яшайди».  
14.30 Кундузги сеанс: «Ҳаёт учун хавфли». Бадий фильм.  
15.55 «Талабалик йиллари».  
16.20 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Машъал» - «Трактор».  
17.15 «Кувноқлар ва зукколар». Телемусобақа.  
18.10 «Покахонтос». Мультсериал премьераси.  
18.35 «Бир жуфт кўшиқ».  
18.45 «Бахтли воқеа». Телелотерея.  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.05 Оқшом эртақлари.  
20.15 Биржа ва банк хабарлари.  
20.30 «Ахборот».  
21.05 Ўзбекистон халқ артистлари.  
21.25 2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили. «Париси бор уй».  
21.55 «Ифтихор».  
22.20 «Спорт, спорт, спорт».  
22.35 «Иван Васильевич касбини ўзгартиради». Бадий фильм.  
24.00 «Ахборот-дайжест».  
00.20-00.25 Ватан тимсоллари.

## «Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.  
9.00 Давр тонги.  
10.00 «Янги авлод» студияси: болалар учун концерт.  
10.15 «Мульттомоша».  
10.30 Саломатлик сирлари.  
10.50 Муסיқий лаҳзалар.  
11.00 «Давр ҳафта ичида».  
11.35 «Кусто командасининг

сув ости саргузаштлари». Телесериал.  
12.25 Давр-news.  
12.40 Мутлола.  
12.55 «Темир хотин».  
Юсуфжон қизик Шакаржонов номидаги Фаргона вилоят муסיқий театрининг спектакли. 1-қисм.  
14.00 Кўна оҳанглар.  
14.10 «Темир хотин». 2-қисм.  
15.15 «Катта Олма шаҳридаги мусобақа». Мультфильм.  
15.40 Жар ёқасида.  
16.00 «Қайнона». Бадий фильм.  
17.15 ТВ-анонс.  
17.20 Кўрсатувлар дастури.  
17.25 «Янги авлод» почтаси, «Билагон маслаҳати».  
17.55 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.  
18.10 Ўзбегим кураши.  
18.30 Тафаккур ёлқинлари.  
18.45 Оқшом наволари.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 «Давр». Ахборот дастури.  
19.35 ТВ-анонс.

19.40 Кўна оҳанглар.  
19.50 «Илдииз ва яроқ».  
20.10 Ёшлар овози.  
20.30 Муҳаббат кўшиқлари.  
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар  
20.55 «Эсмeральда».  
Телесериал.  
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.  
21.50 Олтин мерос.  
22.00 «Давр». Ахборот дастури.  
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.  
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол.  
Танаффус пайтида -23.50 «Давр». Ахборот дастури.  
00.55-1.00 Хайрли тун!

## «Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 ТТВда сериал «Оффисна баридан чиққан фирибгарлар». 21-қисм.  
17.55, 19.10, 21.35 «Экспресс» телегазетаси.  
18.15 «Болажонлар экрани».  
18.30, 20.00, 21.15

«Пойтахт». Ахборот дастури.  
18.50 «Халқ саломатлиги йўлида».  
19.30 «Спорт ва болалар».  
19.45 «Камалак».  
20.30 ТТВда сериал: «Бибилиска пул».  
21.55 «ТВ плюс».  
22.20 «Пойтахт шарҳи».  
22.45 Кинонигоҳ, «Осмондан тушган фаришталар».  
00.20-00.25 «Хайрли тун, шаҳрим!»

## «Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00  
16.30 Кўрсатувлар тартиби.  
16.35 «Вести».  
16.50 «Мультсеанс».  
17.05 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.  
17.15 «Оилавий ришталар». Сериал.  
18.25 В. Тихонов ва Н. Мордюкова «Рус даласи» фильмида.  
20.00 «Время».  
20.35 «Заиф бўгин». Шоу

ўйин.  
21.25 «Бугунги Япония».  
21.45 Кинематограф. «Лужин химюаси». Бадий фильм.  
22.35 «Ахборот» (рус тилида)  
23.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## 30-канал

**16.55 гача профилактика ишлари.**  
16.55 Дастурнинг очилиши.  
17.00 Шоу соати.  
17.40, 20.35 — «Телехамкор».  
18.00 «Барон исмли». Драма.  
19.00 «30-канал» киноқшоми: «Фершо иши».  
21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».  
21.15 «Ошиқона», муסיқий дастури.  
21.30 «30-канал» киноқшоми: «Ягона ёлғизим».  
23.15 «Тез ёрдам». Сериал.

# Seshanba

2

## «Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00 - 8.35 «Ахборот».  
8.35, 17.55 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Қошона».  
9.40 «Рангин дунё».  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилıklar  
10.05 «Мурабий». Спорт дастури.  
10.25 «Баланд тоғлар остида». Бадий фильм. 3-4 қисмлар.  
11.25 «Санъат баҳшида умр». Ф. Раҳматова.  
12.05 «Париси бор уй».  
12.35 «Қизлар давраси - «Кореяда».  
14.10 «Қишлоқ ҳаёти».  
14.30 «Спорт, спорт, спорт».  
14.45 Кундузги сеанс: «Тақдиринг қўлингда».

Бадий фильм.  
15.55 ТВ клип.  
**«Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайёраси»:**  
16.00 1. «Кўшигим жон кўшигим». 2. «Покахонтас». Мультсериал премьераси.  
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».  
18.10 «Баркамол авлод орзуси».  
18.30 «Инсон ва қонун».  
18.50 «Олтин мерос».  
19.05 «Тафсилот».  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртақлари.  
20.15 FCN «Ўзбекистон янгилıkları» (инглиз тилида)  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Солиқ ва биз».  
21.20 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар.  
21.50 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба:

«Ошин». Телесериал премьераси.  
22.20 «Мувозанат».  
22.45 Каратэ бўйича Ўзбекистон чемпионати.  
23.15 «Ахборот - дайжест».  
23.35-23.40 Ватан тимсоллари.

## «Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.  
9.00 «Давр». Ахборот дастури.  
9.15 «Янги авлод» почтаси, «Билагон маслаҳати».  
9.45 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.  
10.00 Бизнес-академия.  
10.15 Муסיқий лаҳзалар.  
10.25 «Эсмeральда».  
Телесериал.  
10.55 Кинотакдим.  
11.15 Жаҳон жуғрофияси.  
12.05 Ёшлар овози.  
12.25 Болалар экрани: «Қўйилмақом иш».  
13.30 Кўна оҳанглар.  
13.45 Интерфутбол.  
15.25 Ўзбегим кураши.  
15.45 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.

16.15 ТВ-анонс.  
16.20 Кўрсатувлар дастури.  
16.25 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар», «Кичкинтой театри».  
16.55 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.  
17.10 Олов билан юзма-юз.  
17.25 Ёшлар куйлайди.  
17.35 Солиқ ҳақида сабоқлар.  
17.50 Ватан манзаралари.  
18.10 Автопатруль.  
18.30 Сифат белгиси.  
18.40 Оқшом наволари.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 «Давр». Ахборот дастури.  
19.35 ТВ-анонс.  
19.40 Давр-интервью.  
19.55 Марди майдон.  
20.15 Дийдор.  
20.35 Ёшлик наволари.  
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар  
20.55 «Эсмeральда». Телесериал.  
21.30 Ёшлар овози.  
21.50 Олтин мерос.  
22.00 «Давр». Ахборот дастури.

22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.  
23.05 Тунги тароналар.  
23.20 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: «Нокаут».  
23.45 «Давр». Ахборот дастури.  
24.00-00.05 Хайрли тун!

## «Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 ТТВда сериал «Оффисна баридан чиққан фирибгарлар». 22-қисм.  
17.55, 19.10, 21.35 «Экспресс» телегазетаси.  
18.15 «Болажонлар экрани».  
18.30, 20.00, 21.15, 22.25 «Пойтахт». Ахборот дастури.  
18.50 «Сухбатдош».  
19.30 «Дурдона».  
19.45 «Жозиба».  
20.30 ТТВда сериал: «Бибилиска пул».  
21.55 «Хотира». О. Худойшукуров.  
22.50 Кинонигоҳ, «Ким ва қандай?» 1-қисм.  
23.55-24.00 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал  
РЖТ 6.30-8.00  
16.30 Кўрсатувлар тартиби.  
16.35 «Вести».  
16.50 «Дунё мамлакатлари».  
17.05 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.

## «Халқаро» телеканал

17.15 «Оилавий ришталар». Сериал.  
18.15 «Аҳмогинг йўқи» Кинокомедия.  
20.00 «Время».  
20.35 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.  
21.25 Ҳужжатли фильм.  
22.05 «Нигоҳ».  
22.25 FCN «Ўзбекистон янгилıkları» (инглиз тилида)  
22.35 Кинематограф. «Тўй». Бадий фильм.  
00.20 «Ахборот» (рус тилида)  
1.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

**30-канал**  
9.00 Дастурнинг очилиши.  
9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор».  
9.30, 14.15 — Болалар соати.  
10.15 «Ботирлар». Сериал.  
10.40 «Жанговор санъат олами». Спорт дастури.  
11.10 «Иблис боласи». Телесериал.  
12.00 «Анискин ва Фантомас». 1-серия.  
13.30 «Майями Сендс». Телесериал.  
15.00 Кундузги кинозал: «Магдаленанинг сокин эхтирослари». Сериал.  
16.40 «Футурама». Мультсериал.  
17.00 Шоу соати.  
18.00 «Барон исмли». Сериал.  
19.00 «30-канал» киноқшоми: «Фершо иши».  
21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».  
21.15 «Ошиқона». Муסיқий дастур.  
21.30 «30-канал» киноқшоми: «14-зонадан қочиш».  
23.15 «Тез ёрдам». Сериал.

# Chorshanba

3

## «Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00 - 8.35 «Ахборот».  
8.35, 17.55 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Шарифа момо», «Қайта ҳаёт бағишлаб».  
9.20 «Соз сеҳри».  
9.40 «Бахтимизга омон бўлинг».  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилıklar  
10.05 Алифбо сабоқлари.  
10.25 «Ана, Бумбо келди». Бадий фильм.  
11.40 «Қалб гавҳари».  
12.05 Болалар учун. «Миттивойлар оиласи».  
12.25 ТВ анонс.  
12.30 «Баркамол авлод орзуси».  
12.50 Каратэ бўйича

Ўзбекистон чемпионати.  
13.20 ТВ клип.  
13.30 «Ошин». Телесериал.  
14.10 «Остонаси тиллодан».  
14.30 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.  
14.50 Кундузги сеанс: «Нодир шахс». Бадий фильм.  
16.10 «Ягона оилада».  
16.40 «Йўл бошида».  
**«Болалар сайёраси»:**  
17.00 1. «Кичкинтоймиз-гизинтоймиз». 2. «Болалиқнинг мовий осмони».  
18.10 «Сиҳат-саломатлик».  
18.30 «Аёл дунёни тебрата».  
18.50 Эстрада тароналари.  
19.10 «Мулк».  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртақлари.  
20.15 «Бир жуфт кўшиқ».  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Азиз одамлар». Дам

олиш дастури.  
22.05 «Спорт, спорт, спорт».  
22.20 «Саҳна ҳаёти».  
22.45 «ТВ-клуб».  
23.10 «Ахборот - дайжест».  
23.30-23.35 Ватан тимсоллари.

## «Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.  
9.00 «Давр». Ахборот дастури.  
9.15 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар», «Кичкинтой театри».  
9.45 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.  
10.00 Давр-интервью.  
10.15 Муסיқий лаҳзалар.  
10.25 «Эсмeральда». Телесериал.  
10.55 Солиқ ҳақида сабоқлар.  
11.10 «Жилоланмаган Африка». Ҳужжатли сериал.  
12.00 Дийдор.  
12.20 Болалар экрани: «Еттинчи жин».  
13.20 Ёшлар овози.

13.40 Кўна оҳанглар.  
13.50 «Ёшлар» телеканалда спорт: Теннис.  
14.30 «Бировнинг хати». Бадий фильм.  
15.55 Автопатруль.  
16.15 ТВ-анонс.  
16.25 Кўрсатувлар дастури.  
16.30 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар».  
16.50 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.  
17.05 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.  
17.55 Болажон.  
18.10 Чемпион сирлари.  
18.30 Оқшом наволари.  
18.40 Каталог.  
18.50 Олтин мерос.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 «Давр». Ахборот дастури.  
19.35 ТВ-анонс.  
19.40 Ракурс.  
20.00 Спортлото.  
20.10 Кўна оҳанглар.  
20.20 Онил дастурхон.  
20.35 Севги тароналари.  
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар  
20.55 «Эсмeральда». Телесериал.

21.30 Ёшлар овози.  
21.50 Олтин мерос.  
22.00 «Давр». Ахборот дастури.  
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.  
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: «Интерфутбол».  
Танаффус пайтида - 23.50 «Давр». Ахборот дастури.  
00.55-1.00 Хайрли тун!

## «Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 ТТВда сериал «Оффисна баридан чиққан фирибгарлар». 23-қисм.  
17.55, 19.10, 22.25 «Экспресс» телегазетаси.  
18.15 Болажонлар экрани.  
18.30, 20.00, 22.05, 22.45 «Пойтахт». Ахборот дастури.  
18.50 «Муסיқий меҳмонхона».  
19.30 «Аёл қалби».  
19.50 «Эхтиром ила».  
20.30 ТТВда сериал: «Бибилиска пул».  
21.15 «Янги иқтисод». Бевосита мулоқот.

23.10 Кинонигоҳ «Ким ва қандай?» 2-қисм.  
00.10-00.15 «Хайрли тун, шаҳрим!»

## «Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00  
16.30 Кўрсатувлар тартиби.  
16.35 «Вести».  
16.50 «ТВ-4да муסיқа».  
17.00 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.  
17.15 «Оилавий ришталар». Сериал.  
18.25 Пьер Ришар «Лифтдан чапга» комедиясида.  
20.00 «Время».  
20.35 «Заиф бўгин». Шоу ўйин.  
21.25 «Форс-мажор».  
22.00 «Кўнгил кўнгилга пайванд».  
22.20 «Авиация дунёси».  
22.40 Кинематограф. «Товуқ». Бадий фильм.  
23.55 «Ахборот» (рус тилида)  
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

**30-канал**  
9.00 Дастурнинг очилиши.  
9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор».  
9.30, 14.15 — Болалар соати.  
10.15 «Ботирлар». Сериал.  
10.40 «Яхши кайфият».  
11.10 «Иблис боласи». Телесериал.  
12.00 «Анискин ва Фантомас». 2-серия.  
13.30 «Майями Сендс». Телесериал.  
15.00 Кундузги кинозал: «Магдаленанинг сокин эхтирослари». Сериал.  
16.40 «Футурама». Мультсериал.  
17.00 Шоу соати.  
18.00 «Барон исмли». Сериал.  
19.00 «30-канал» киноқшоми: «Марианна». 1-серия.  
21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».  
21.15 «Ошиқона». Муסיқий дастур.  
21.30 Ҳинд киноси: «Умрбод сеники».

# Payshanba

4

## «Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.35 «Ахборот».  
8.35 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
**Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайёраси»:**  
9.00 1. «Кичкинтоймиз-гизинтоймиз». 2. «Болалиқнинг мовий осмони».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилıklar  
10.05 «Мулк».  
10.20 «Кичкина малика». Бадий фильм.  
11.45 «Ринг». Спорт дастури.  
12.05 «Фанимиз истикболлари».  
12.20 «Оламга саёҳат». Киноқўрсатув.  
12.40 «Аёл дунёни тебрата».  
13.00 «Азиз одамлар». Дам олиш дастури.

14.10 «Алломиш авлодлари». Спорт дастури.  
14.30 «Озода бўлса шаҳринг».  
14.45 Кундузги сеанс: «Доктор Жекил ва Мистер Хайдинг саргузаштлари». Бадий фильм.  
16.10 «Мехр қолур».  
16.25 «Аския».  
16.45 «Харита». Халқаро шарҳ.  
**Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайёраси»:**  
17.00 1. «Мен бобомдек бўлишни хоҳлайман». 2. «Цирк, цирк, цирк».  
18.10 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».  
18.30 «Яши ният».

Телелотерея.  
19.05 «Инсон ва қонун».  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртақлари.  
20.15 FCN «Ўзбекистон янгилıkları» (инглиз тилида)  
20.30 «Ахборот».  
21.05 Телемулқот: Бозордаги тарози. Саволларга «Тошшаҳар тайёрлов бозор савдо» уюшмаси, деҳқон бозорлари ва давлат стандартлаш ва сертификациялаш маркази масъул

ҳодимлари ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг масъул ҳодимлари жавоб берадилар.  
21.40 «Навбахор» ашула ва ракс ансамблининг концерти.  
22.10 «Рухият манзаралари».  
22.40 «Ёшлар ва муסיқа».  
23.10 «Ахборот-дайжест».  
23.30-23.35 Ватан тимсоллари.

## «Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.  
9.00 «Давр». Ахборот

дастури.  
9.15 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар».  
9.35 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.  
9.50 Болажон.  
10.05 Муסיқий лаҳзалар.  
10.15 «Эсмeральда». Телесериал.  
11.05 Ёшлар овози.  
11.25 Спорт-қитъаси (рус тилида)  
11.50 Чемпион сирлари (рус тилида)  
12.10 Болалар экрани: «Самсон ва Салли».  
13.10 Олов билан юзма-юз.  
13.25 Кўна оҳанглар.

13.35 Илдииз ва яроқ.  
13.55 Интерфутбол.  
15.35 Сифат белгиси.  
15.45 «Тўрт йўл». Бадий фильм. 1-қисм.  
17.00 ТВ-анонс.  
17.10 Кўрсатувлар дастури.  
17.15 «Янги авлод» студияси: «Хар соҳага саёҳат».  
17.35 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.  
17.50 Ҳинд киноси: «Умрбод сеники».

наволари. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 «Давр». Ахборот дастури. 19.35 ТВ-анонс. 19.40 «Давр»-интервью. 19.55 Жараён. 20.10 Бегойим. 20.30 «Ер ишқи». Мусикий дастур. 20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар 20.55 «Эсмеральда». Телесериал. 21.30 Ўзбекистон Республикаси Мустақил-

лигининг 11 йиллигига «Озод юрт фарзандлари». Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори Мастура Умарова. 21.50 Олтин мерос. 22.00 «Давр». Ахборот дастури. 22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал. 23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: «Интерфутбол». Танаффус пайтида -23.50 «Давр». Ахборот дастури. 00.55-1.00 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканалли 17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал «Оффиса баридан чиққан фирибгарлар». 24-қисм. 17.55, 19.15, 21.35 «Экспресс» телегазетаси. 18.15 «Навниҳол». 18.30, 20.00, 21.15, 21.55 «Пойтахт». Ахборот дастури. 18.50 «Камолот фасли». 19.35 Мусикий лаҳзалар. 19.45 «Тошкент ва тошкент-

ликлар». 20.30 ТТВда сериал: «Бебилиска пул». 22.20 Кинонигоҳ «Кичкина-нинг саргузаштлари». 23.55-24.00 «Хайрли тун, шаҳрим!» «Халқаро» телеканал РЖТ 6.30-8.00 16.30 Кўрсатувлар тартиби. 16.35 «Вести». 16.50 «Вақт ҳазинасида». 17.10 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.

17.20 «Оилавий ришталар». Сериал. 18.15 «Яна пистирма». Кинокомедия. 20.00 «Время». 20.35 «Рус рулеткаси». 21.25 «Ишбилармон кишилар». 21.45 FCN «Ўзбекистон янгликлар» (инглиз тилида) 21.55 «Соқкер клуб». 22.15 Киноматограф. «Уйин». Бадий фильм. 00.15 «Ахборот» (рус тилида)

00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!» 30-канал 9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор». 9.30, 14.15 Болалар соати. 10.15 «Ботирлар» Сериал. 10.40 «Яши кайфият». 11.10 «Иблис боласи». Сериал. 12.00 «Ва яна Анискин». 1-қисм. 13.30 «Майами Сэндс». Сериал.

15.00 Кундузги киносеанс: «Магдаленанинг сокин эхтирослари». Сериал. 16.40 «Симпсонлар». Мультсериал. 17.00 «Шоу соати». 18.00 «Барон исмли». Сериал. 19.00 «30-канал» киноқшоми: «Марианна». 2-серия. 21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.15 «Ошиқона». Мусикий дастур. 21.30 «30-канал» киноқшоми: «Мустақиллик куни». 23.15 «Тез ёрдам». Сериал.

JUMA «Ўзбекистон» телеканалли 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 - 8.35 «Ахборот». 8.35, 17.55 ТВ маркет. 8.40 Газеталар шарҳи. Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайёраси». 9.00 1. «Мен бобомдек бўлишни хоҳлайман». 2. «Цирк, цирк, цирк». 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгликлар 10.05 «Сехрли чироқ». Мультфильм. 11.30 «Узлинг намён қил». Экранда - Сурхондарё вилояти. 11.55 ТВ анонс. 12.05 «Оламни асранг!» 12.25 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари». 12.45 «Нафосат гулшани». «Етти гўзал» ансамблининг концерти. 13.25 «23.5 даражали

бурчак остида». Телесериал премьераси. 84-қисм. 13.50 ТВ клип. 14.10 «Якма-якка жанг». Спорт дастури. 14.30 Кундузги сеанс: «Кўчатлар». Бадий фильм. 15.55 «Хуқуқ сабоқлари». 16.15 «Ёшлар ва мусиқа». 16.45 «Депутат». Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайёраси». 17.00 1. «Саънат гунчалари». 2. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа. 18.10 «Тиббиёт одимлари». 18.20 «Ўзбекистон - Ватаним маним». 18.45 «Тафсилот». 19.05 «Хидоят сари». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.25 Эълонлар 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртаклари. 20.15 «Бир жуфт кўшиқ». 20.30 «Ахборот». 21.05 «Соғлом она - соғлом

бола». 21.30 «Ўзбекистон» каналда ilk мартаба: «Ошин». Телесериал премьераси. 22.00 «Бу ажиб фасл». Телеальманах. 22.20 «Олтин бешик». 22.50 «Спорт, спорт, спорт». 23.05 «Ахборот - дайжест». 23.25-23.30 Ватан тимсоллари. «Ёшлар» телеканалли 8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури. 9.15 «Янги авлод» студияси: «Хар соҳага саъхат». 9.35 «Кундуз амакининг хижоляри». Мультсериал. 9.50 «Давр»-интервью. 10.05 Мусикий лаҳзалар. 10.15 «Эсмеральда». Телесериал. 10.45 Бегойим. 11.05 «Учинчи сайёра» маърифий дастури. 11.55 Ўйна, болажон, ўйна. 12.10 Ёшлар овози. 12.30 «Жоли Леско».

Бадий фильм. 13-қисм. 13.20 Кўҳна оҳанглар. 13.30 Интерфутбол. 15.10 Ватан манзаралари. 15.30 «Тўрт йўл». Бадий фильм. 2-қисм. 16.50 Оила тилсими. 17.15 Кўрсатувлар дастури. 17.20 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси». 17.40 «Кундуз амакининг хижоляри». Мультсериал. 17.55 Ёшлар куйлайди. 18.05 Автосалтанат. 18.20 Хуқуқ ва бурч. 18.40 Оқшом наволари. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 «Давр». Ахборот дастури. 19.35 Кўҳна оҳанглар. 19.45 Аскар мактублари. 20.05 Ёшлар овози. 20.25 Ёшлик кўшиқлари. 20.40, 21.15, 22.35 Эълонлар 20.45 «Эсмеральда». Телесериал. 21.20 «Бунёдкор» ёшлар телеклуби. 21.50 Олтин мерос. 22.00 «Давр». Ахборот

дастури. 22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал. 23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Ринг қироллари. 00.05 «Давр». 00.20-00.25 Хайрли тун! «Тошкент» телеканалли 17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал «Оффиса баридан чиққан фирибгарлар». 25-қисм. 17.55, 19.10, 21.35 «Экспресс» телегазетаси. 18.15 «Тенгдошларнинг ижоди». 18.30, 20.00, 21.15, 22.10 «Пойтахт». Ахборот дастури. 18.50 «Хайрли оқшом». 19.30 «Саломатлик маскани». 19.45 Мусикий танаффус. 20.30 ТТВда сериал: «Бебилиска пул». 21.55 «Кўркем ўлкам». 22.35 Кинонигоҳ «Бриллиант қўл». 00.10-00.15 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал РЖТ 6.30-8.00 16.30 Кўрсатувлар тартиби. 16.35 «Вести». 16.50 «Мультгаддим». 17.10 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви. 17.15 «Оилавий ришталар». Сериал. 18.20 Хўжатли детектив. 19.00 «Мўъжизалар майдони». 20.00 «Время». 20.35 Харрисон Форд ва Мелани Гриффит «Ишбилармон кўз» комедиясида. 22.35 «Дурдаршан». 23.00 Кинонинг олтин асри: «Навқирон Айвенго». Бадий фильм. 00.30 «Ахборот» (рус тилида) 1.00 «Тунингиз осуда бўлсин!» 30-канал 9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.35 —

«Телехамкор». 9.30, 14.25 — Болалар соати. 10.15 «Ботирлар». Сериал. 10.40 «Сухбатдош». Дам олиш дастури. 11.10 «Иблис боласи». Телесериал. 12.00 «Ва яна Анискин». 2-серия. 13.30 «Майами Сэндс». Телесериал. 15.00 Кундузги кинозал: «Магдаленанинг сокин эхтирослари». Сериал. 16.40 «Симпсонлар». Мультсериал. 18.00 «Барон исмли». Сериал. 19.00 «30-канал» да ринг қироллари. 19.45 Елена Степаненко шоуси. 21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.15 «Ошиқона». Мусикий дастур. 21.30 «30-канал» киноқшоми: «Практиканка». 23.15 «Тез ёрдам». Сериал.

SHANBA «Ўзбекистон» телеканалли 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 ТВ маркет. 8.40 Газеталар шарҳи. Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайёраси». 9.00 1. «Саънат гунчалари». 2. «Ўйла, изла, топ!» Телемусобақа. 10.00 «Хидоят сари». 10.20 «Ринг». Спорт дастури. 10.40 ТВ анонс. 10.45 «Олтин бешик». 11.15 Сиртқи телевизион олимпиада. 11.35 «Хатларда ҳаёт». 11.55 «Ўзбекистон бастакорлари». 12.15 ТВ-1 кинотеатри: «Доно Мондухай хоним». Бадий фильм. 14.25 «Маърифат». Телеальманах. 14.45 «Дунё кўриб дунёлар ярат». 15.05 «Долзарб мавзу».

Адабий жараён: 15.25 1. «Ёзувчи ва замон». 2. «Шеър ва шуур». 3. «Дунё адабиёти». 16.10 «Интиланганга толе ёр». 16.30 «Ягона оилада». 17.00 Болалар учун. «Фламинго». 17.20 «Рангин дунё». Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайёраси». 17.40 «Мўъжизалар майдончаси». Телешоу. 18.40 «Кўшигимиз сизга армуғон». 19.05 «Қишлоқ ҳаёти». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртаклари. 20.15 FCN «Ўзбекистон янгликлар» (инглиз тилида) 20.30 «Ахборот». 21.05 «Обод уйда пок одамлар яшайди». 21.25 «Шанба оқшомида». 21.50 «Балли, раислар!» Телемусобақа. 22.50 «Ахборот-дайжест».

«Тунги ёғду». Дам олиш дастури. 23.10 «Ўйимдаги бегона». Бадий фильм. 1-қисм. 00.10-00.15 Ватан тимсоллари. «Ёшлар» телеканалли 7.55 Кўрсатувлар дастури. 8.00 «Давр тонги». 9.00 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси». 9.20 «Кундуз амакининг хижоляри». Мультсериал. 9.35 Табонат оламида. 9.55 Мусикий лаҳзалар. 10.10 «Эсмеральда». Телесериал. 10.40 Ёшлар овози. 11.00 «Ёшлар» телеканалда спорт: Ринг қироллари. 12.00 Юлдузлар чехраси. 12.25 Вилоят ёш хонандалари куйлайди. 12.40 Кутилмаган меҳмон. 13.00 Жоли Леско». Бадий фильм. 14-қисм. 13.50 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига «Озод юрт фарзандлари». 14.10 Кўҳна оҳанглар. 14.20 «Экспедиция». Хўжатли сериал.

15.10 Очун. 15.35 «Рамаёна». Телесериал. 16.10 Кўрсатувлар дастури. 16.15 «Янги авлод» студияси: «Келинг, танишайлик». 16.35 Ишингиз бароридан келсин. 17.35 Муҳлис. 17.55 Қўшқулоқ. 18.10 Футбол плюс. 18.30 Оқшом наволари. 18.40 Каталог. 18.50 Олтин мерос. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 «Давр». Ахборот дастури. 19.35 ТВ-анонс. 19.40 Ўзбек мумтоз мусиқасидан. 19.45 Давр-интервью. 20.00 Оҳанрабо. 20.35, 21.30, 22.35 Эълонлар 20.40 Жоли Леско». Бадий фильм. 15-қисм. 21.35 Ўзбекистон халқ ҳофизы Мамуржон Тўхтасинов куйлайди. 22.00 «Давр». Ахборот дастури. 22.40 Тунги тароналар. 22.50 ТВ-саъхат. 23.10 «Ёшлар» телеканалли-

да премьераси: «Тузюк». Бадий фильм. 00.40-00.45 Хайрли тун! «Тошкент» телеканалли 17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 «Мульт-чархалак». 17.40 «Жаҳон географияси». 18.25, 19.40, 21.40 «Экспресс» телегазетаси. 18.45 «Мисли гавҳар». 19.00 «Пойтахт». Шанбадан-шанбагача (рус) 19.20 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам». 20.00 «Нима учун?». 20.30 «Табриклаймиз-кутлаймиз». 21.00 «Пойтахт». Шанбадан-шанбагача. 21.20 «Хамшаҳарлар». 22.00 Кинонигоҳ «Кўҳна созурилган пул». 23.30-23.35 «Хайрли тун, шаҳрим!» «Халқаро» телеканал 9.00 Кўрсатувлар тартиби. 9.05 «ТВ-Ада мусиқа». 9.10 Е. Петросянин «Кулгу панорамаси». 9.45 «Лаззат».

10.05 «CF янгликлар». 10.15 «Инглиз тили Сиз учун». Болалар учун кўрсатуви. 10.40 «Мультсеанс». 11.00 «Фан-тайм». 11.10 «Олтин микрофон». Мусикий кўрсатуви. 11.40 Дўстлик видеоканали: «Ўзбекистон умумий уйимиз», «Сахий хонадонда», «Бизнен мирас». 12.40-13.10 «Немис тили». 16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 «Бинафша». 16.35 CF тақдим этади: «Бешикчи ўлчов». 17.00 «Британия кундалиги». 17.20 А. Малаховнинг сўнги «Кир базми». Мавсумнинг якуни. 19.00 «Ким миллионер бўлишни истайдик?» Телеўйин. 20.00 «Время». 20.30 «Автострада». 20.50 «Татьяна Полонская билан бирга». 21.15 И. Аллегрова икросидаги концерт дастури. 23.10 Киноматограф. «Фаришта». Бадий фильм.

00.55 «Ахборот» (рус тилида) 1.25 «Тунингиз осуда бўлсин!» 30-канал 9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор». 9.30 «Малика Сиси». Мультсериал. 10.00 Болалар учун фильм. 11.30 «Танстинг кувноқ оиласи». Телесериал. 12.00 Оилавий кино. «Араб саргузаштлари». 13.40 Бокс идиқибозлари учун. 14.30 Ҳинд киноси: «Мажори». 16.40 «Яширин камера билан». Юмор дастури. 17.00 «Ўз ўйини». Телешоу. 18.10 «30-канал» киноқшоми: «Ёш йўлбарс». 19.50 «Ошиқона». Мусикий дастур. 20.00 «Вовочка». Сериал. 21.00 «Изуварлар». Сериал. 21.55 «30-канал» киноқшоми: «Учовини йўқотиш керак». 23.30 «Доринома». Сериал.

YAKSHANBA «Ўзбекистон» телеканалли 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур. 9.10 «Фаройибот». 9.30 «Меҳрибон тулки». «Куч нимада?» Мультфильмлар. 10.00 «Ватанимга хизмат қиламан». 11.00 «Она меҳри». 11.20, 12.25 ТВ анонс. 11.25 «Кувноқ стартлар». Телемусобақа. 11.55 «Кўҳна замин оҳанглари». Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайёраси». 12.30 «Мўъжизалар майдончаси». Телешоу. 13.30 ТВ-1 кинотеатри: «Ўзганинг чиптаси».

Бадий фильм. 15.05 «Қалб гавҳари». 15.25 «Довонлар оша». 15.45 ТВ клип. 15.50 «Покахонтас». Мультсериал премьераси. 16.40 «Уй бекаси». Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайёраси». 17.00 1. «Шоирлар-болаларга». 2. «Олтин тож». Телевизион ўйин. 18.00 «Талабалик йилларим». 18.25 «Тўртинчи ҳокимият». 18.45 «Оқ олтин». Телелотерея. 19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар 19.30 «Тахлилнома» (рус тилида) 20.05 Эстрада тароналари. 20.30 «Тахлилнома». 21.15 «Якшанбада Сиз билан бирга». 21.40 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».

«Якшанба кинозали: 22.40 «Кино оламида». 23.00 «Ўйимдаги бегона». Бадий фильм. 2-қисм. 24.00-00.05 Ватан тимсоллари. «Ёшлар» телеканалли 7.55 Кўрсатувлар дастури. 8.00 «Давр тонги». 9.00 «Янги авлод» студияси: «Келинг, танишайлик». 9.20 Футбол плюс. 9.40 Давр-интервью. 9.55 Мусикий лаҳзалар. 10.05 «Заковат» интеллектуал ўйини. 10.55 Очил дастурхон. 11.10 «Ёшлар» телеканалда ҳарбий ватанпарварлик дастури: 1. Марди майдон. 2. Аскар мактублари. 11.50 «Нокаут». 12.15 Маҳмуд Намозов куйлайди. 12.55 «Хонадон ўчоғи». Бадий фильм. 14.25 Қишлоқдаги тенгдошим. 14.45 «Экспедиция».

Хўжатли сериал. 15.35 Чемпион сирлари. 15.55 «Рамаёна». Телесериал. 16.30 Кўрсатувлар дастури. 16.35 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус». 16.55 Болалар клуби. 17.15 «Учинчи сайёра» маърифий дастури. 18.05 Спорт ҳафтанома. 18.20 Синфдош. 18.45 Оқшом наволари. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 «Давр»-news. 19.20 ТВ-анонс. 19.25 Кўҳна оҳанглар. 19.35 Мутойиба. 20.05 Аёл қалби наволари. 20.20, 21.15, 22.30 Эълонлар 20.25 «Жоли Леско». Бадий фильм. 16-қисм. 21.20 «Зинама-зина». 21.50 Олтин мерос. 22.00 «Давр ҳафта ичида». 22.35 Тунги тароналар. 22.45 «Ёшлар» телеканалда премьераси: «Шамолни жилолаб». Бадий фильм. 00.15-00.20 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканалли 17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 «Эртақларнинг сехрли олами». 18.55, 20.10, 22.00 «Экспресс» телегазетаси. 19.15 «Жаҳон географияси». 20.00 «Телефакт». 20.30 «Табриклаймиз-кутлаймиз». 21.00 «Пойтахт шарҳи». 21.20 «Ташриф». 21.40 «Спорт-клуб». 22.20 Кинонигоҳ «Жаноб Магу». 23.35-23.40 «Хайрли тун, шаҳрим!» «Халқаро» телеканал 9.00 Кўрсатувлар тартиби. 9.05 «ТВ-Ада мусиқа». 9.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлар». 9.30 «Хамма уйдалиғида». 10.05 «Кайфият». Информацион-дам олиш дастури.

11.35 FCN «Ўзбекистон янгликлар» (инглиз тилида) 11.45 Болалар соати: «Ёзги таътил». Бадий фильм. 13.10 «Парле ву франсе?». 13.35 «Экран зийнати ва қиймати». 14.00 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам». 14.20 -15.20 «Дўстлик» видеоканали: «Дидар», «Айнурек», «Маврид». 16.30 Кўрсатувлар тартиби. 16.35 «Лего - ленд». Болалар учун телеўйин. 17.05 «Билишни истаيمان». 17.25 Киноматограф. «Хотира саодати». Бадий фильм. 19.45 «Мюзик холл». 20.25 «Хижо». 20.50 «7 кун». Ҳафта якунари. 21.15 «Кинопрофи». 21.40 Киноматограф. «Икки ўт орасида». Бадий фильм. 23.00 «Тахлилнома». 23.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал 9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 11.30, 17.45, 20.35 Телехамкор. 9.30 «Малика Сиси». Мультсериал. 10.00 Фильм - болаларга. 12.00 Оилавий кино. «Араб саргузаштлари». 13.40 «Баффи». Сериал. 14.30 Кундузги кинозал: «Шуб-баба лоба!». 16.10 «30-каналда қизикари учрашувлар. 17.00 «Ўз ўйини». 18.10 «30-канал» киноқшоми: «Медуза» операциеси». 19.50 «Ошиқона». Мусикий дастур. 20.00 «Агентлик». Сериал. 21.00 «Изуварлар». Сериал. 21.55 Якшанба киноқшоми: «Шарпа ва зулмат». 23.30 «Доринома». Сериал. 24.00 Спорт шарҳи.

# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

## 2002-2003 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРГА ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

### КУНДУЗГИ БЎЛИМ

#### Ўқиш ўзбек тилида бориладиган мутахассисликлар

1. Математика ва информатика
2. Кимё ва экология
3. Биология ва ҳаётий фаолият хавфсизлиги
4. География ва иқтисодий билим асослари
5. Тарих
6. Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси
7. Педагогика ва психология
8. Касбий таълим (соҳалар бўйича)
9. Мусикий таълими
10. Ўзбек тили ва адабиёти
11. Чет тили ва адабиёти (инглиз)
12. Мактабгача таълим
13. Ҳуқуқ, маънавият асослари ва миллий истиқлол ғояси
14. Бошланғич таълим ва тарбиявий иш
15. Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият

#### Ўқиш рус тилида олиб бориладиган мутахассисликлар

1. Математика ва информатика
2. Рус тили ва адабиёти
3. Чет тили ва адабиёти (инглиз)
4. Бошланғич таълим ва тарбиявий иш
5. Мактабгача таълим

#### Ўқиш қозоқ тилида олиб бориладиган мутахассисликлар

1. Қозоқ тили ва адабиёти

#### Ўқиш тожик тилида олиб бориладиган мутахассисликлар

1. Бошланғич таълим ва тарбиявий иш

### СИРТҚИ БЎЛИМ

#### Ўқиш ўзбек тилида олиб бориладиган мутахассисликлар

1. Тарих
2. Ўзбек тили ва адабиёти
3. Ҳуқуқ, маънавият асослари ва миллий истиқлол ғояси
4. Бошланғич таълим ва тарбиявий иш
5. Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият

### МАХСУС СИРТҚИ БЎЛИМ

Бу бўлимга фақат педагогика билим юрларини тугатган ва тегишли таълим тури бўйича камида 3 (уч) йил амалий педагогика стажига эга бўлган педагог кадрлар қуйидаги мутахассисликлар бўйича тест синовлари орқали 3-курсга қабул қилинадилар.

1. Бошланғич таълим ва тарбиявий иш
  2. Мактабгача таълим
- Кўрсатилган мутахассисликлар бўйича ўқув машғулотлари ўзбек тилида олиб борилади.

#### ИЖОДИЙ (КАСБИЙ) ИМТИХОНЛАР ОРҚАЛИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН МУТАХАССИСЛИКЛАР

1. Бошланғич таълим ва тарбиявий иш (тожик гуруҳи) мутахассислигига ҳужжат топширган абитуриентлар тожик тили ва адабиётдан (ёзма), математика (ёзма), тарихдан (оғзаки) имтиҳон топширадилар.

2. Қозоқ тили ва адабиёти мутахассислигига ҳужжат топширган абитуриентлар қозоқ тили ва адабиётдан (ёзма), тарихдан (оғзаки) имтиҳон ва чет тилидан тест топширадилар.

3. «Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият», «Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси», «Мусикий таълим» мутахассисликларига ҳужжат топширган абитуриентлар асосий мутахассисликлар бўйича ижодий имтиҳон топширадилар. Шунингдек, кўрсатилган мутахассисликларга тегишли блокдаги фанлар бўйича абитуриентлар тест синовларидан ўтадилар.

#### АРИЗАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ 20 ИЮНДАН ТО 20 ИЮЛГАЧА. ТЕСТ СИНОВЛАРИ КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАР УЧУН 1 АВГУСТ КУНИ ЎТКАЗИЛАДИ.

Педагогика институти талабалари институтни битирганларидан сўнг ўз мутахассисликлари бўйича ишласалар 5 (беш) йил мобайнида ҳарбий хизматдан озод этиладилар.

#### ЎҚИШГА КИРУВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТОПШИРАДИЛАР:

1. Ректор номига ариза
2. Маълумоти ҳақида ҳужжатнинг асл нусхаси (аттестат, диплом)
3. 086/У нусхадаги тиббий маълумотнома
4. 6 дона 3x4 ўлчамдаги фотосурат
5. Паспорт ҳамда ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақида ҳужжат шахсан кўрсатилади ва улардаги маълумотлар қайд қилинади.

**МАНЗИЛ: Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳри, 48-даха, 1в-уй.**  
**ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ.**

## "КАМАЛАК-2002" ФЕСТИВАЛИ

Пойтахтимиздаги "Бони эрам" истироҳат боғида "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳомийлигидаги Болалар ташкилотининг "Қамалак-2002" оромгоҳлараро фестивали бўлиб ўтди.

Унда пойтахтимиз мактабларида ташкил этилган ёзги оромгоҳларда дам олаётган бир ярим мингга яқин ўқувчи қатнашди. Болалар ташкилоти ишини янада такомиллаштириш, ўқувчиларнинг ёзги таътил мавсумини мароқли ўтказиш, "Соғлом авлод" давлат дастурида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида ўтказилган ушбу

фестивалда болалар етти та йўналишда ўзаро куч синашди. Тошкент шаҳар қўшимча таълим мажмуасига қарашли бадий жамоалар иштирокида концерт намойиш этилди. Фестиваль голибларига совгалар топширилди.

**Баҳор ХИДИРОВА,**  
**ЎЗА мухбири.**

## АҲОЛИШУНОСЛИК ЖАМҒАРМАСИ ТАНЛОВИ

БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси ЮНФПА/Ўзбекистонда иккинчи бор ҳар йилги плакатлар танловини ўтказди. Танлов Бадий академиянинг Марказий кўرғазмалар залида бўлиб ўтди.

Таъкидлаш жоизки, 1992 йилдан эътиборан БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси ҳар йили Нью-Йоркда ўтказиладиган Халқаро плакатлар танловини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди. Бу эса болаларга ва ёшларга ўзларини кўрсатиш турган дунёга бўлган муносабатини янада тўлароқ ва ижодий ифода этиш имконини беради.

Танловдан кўзланган мақсад – Ўзбекистон аҳолиси кенг қатламларини дунёдаги барча одамлар турмушини яхшилаш муаммоларига фаол жалб қилишдир.

Танлов беш хил ёш тоифасида – 6 ва ундан юқори ёш гуруҳлари бўйича ўтказилди. Ҳар бир тоифа бўйича биринчи ўринни эгаллаган қатнашчиларга эсдалик совғалари ва Жамғарма сертификатлари топширилди. Эндиликда голиблар ўз асарлари билан Нью-Йоркдаги Халқаро плакатлар танловида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади.

**Назкат УСМОНОВА,**  
**ЎЗА мухбири.**

# ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

«Ўзбектелеком» АК шўъбаси – «Тошкент-телеком» корхонаси телекоммуникацияларнинг универсал хизматларида 2002 йилнинг 1 июлидан жорий қилинадиган янги тарифларни (фақат ўзгаришлар киритилаётган айрим тарифлар келтирилмоқда) маълум қилади:

### ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАРНИНГ РЕСПУБЛИКА ИЧКИ ХИЗМАТЛАРИ

Шаҳар ва қишлоқ телефон алоқаси хизматларига тарифлар

ХИЗМАТЛАР ТУРИ	Тўлов миқдори – сўмда	
	АҲОЛИ	
	абонент тизимида телефон алоқаси хизматлари тўловлари	вақтбай тизимида телефон алоқаси хизматлари тўловлари
Якка тартибда фойдаланилаётган асосий телефон аппарати учун абонент ҳақи		
Шаҳар телефон тармоғи	610	404
Қишлоқ телефон тармоғи	208	169

Абонент томонидан якка тартибда фойдаланиладиган телефон бўйича ойига 180 дақиқа миқдоридан гаплашиш юзасидан белгиланган лимит ва белгиланган абонент ҳақида қўшимча сўзлашишнинг ҳар бир тўла ва нотўла дақиқаси учун вақтбай ҳақ корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва аҳоли учун 1,3 сўм миқдоридан белгиланади.

#### ТЕЛЕГРАФ АЛОҚАСИ ХИЗМАТЛАРИ

### ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАРНИНГ ХАЛҚАРО ХИЗМАТЛАРИ

#### ХАЛҚАРО ТЕЛЕГРАММАЛАР

Изоқ телеграмма жўнатувчига ундан пул олинганлиги кўрсатиш билан телеграмма олинганлиги ҳақидаги квитанция берилгани учун шу квитанция учун 28 сўм миқдоридан тўлов олинади, бунда телеграф тўлов ундирилмайди.

#### ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ!

Телефондан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш бўйича ва рўйхатга олиш бўйича илгари жорий қилинган имтиёزلар сақлаб қолинган.

#### Рехбарлар диққатига!

Халқаро алоқанинг телеграф, телефон каналлари ижараси (ҳудудлараро) 2002 йилнинг 5 июлидан ўртача 1,1 баравар ошади.

ХИЗМАТЛАР ТУРИ	Тўлов миқдори – сўмда	
	КОРХОНА	АҲОЛИ
Телеграмманинг ҳар бир сўзи учун:		
оддий	14	6
шошилинч	28	28
телеграммаларнинг барча турлари ва тоифалари учун телеграф тушуми	28	28

	Тўлов миқдори, ҳАР БИР СЎЗ УЧУН ТўЛАНДИГАН СўМ	
	ОДДИЙ	ШОШИЛИНЧ
Марказий Осиё (Тожикистон, Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон), Россия, Украина, Беларусь, Молдова, Арманистон, Грузия, Озарбайжон	108	216
Европа, Осиё, Африка, Америка, Австралия	244	488


ЭЛЕКТРОАЛОҚА ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚЎРСАТИЛГАН ХИЗМАТЛАР УЧУН ҲАҚНИ ЎЗ ВАҚТИДА ТўЛАНГ.

**«ТОШКЕНТ-ТЕЛЕКОМ».**

# Xalq va dunyo

Mamlakatlar  
Odamlar  
Voqealar  
G'aroyibotlar

## Eng so'nggi xabarlar



### ЖАНГДА ХАЛОК БЎЛДИЛАР

Ўн нафар покстонлик жангчи Покистоннинг Афғонистон билан чегараси яқинида «Ал-Қоида» жангарилари гурӯҳи қурбони бўлди.

Бу жангчилар тахминга кўра «Ал-Қоида» террорчилари учун бошпана вазифасини ўтаётган уйни ишғол қилишга уринган чоғларида ҳалок бўлдилар. Қамал чоғида мазкур террорчилар ташкилотининг икки аъзоси ҳам ўлдирилди.



### КАМЕРУНДА САЙЛОВ КЕЧИКТИРИЛДИ

Африка қитъасининг марказидаги Камерунда мамлакат олий йиғинига (парламент) сайлов бўлиши режалаштирилган эди. Бироқ ташкилий ишлар тўлиқ яқунланмагани туфайли тадбир бир ҳафтага ортага сурилди.

Ўн беш миллионлик нуфуслик Камерун давлати олий йиғинида 180 ўрин бор. Курсиларни эгаллаш учун элликка яқин сиёсий партия қурашмоқда. Бироқ партиялар сони қанчалик кўп бўлмасин, аҳолининг сайловга боргиси йўқ кўринади. Расмий маълумотларга кўра, бу сафарги сайловда иштирок этиш учун мамлакат аҳолисининг тенг ярми тегишли рўйхатдан ўтган, холос.

Камерун сиёсий ҳаётидаги тангликнинг бир қанча сабаблари бор. Улардан бири шуки, камерунликлар футболнинг ашаддий ишқибози. Мамлакат терма жамоаси эса Жанубий Корея ва Японияда ўтаётган жаҳон чемпионатидан мағлуб қайтди. Норасмий мотам эълон қилган аҳолининг, табиийки, сайловга қизиқиши ҳам сусайган. Иккинчи сабаб Камерун вилоятлари ўртасида этник зиддиятлар мавжудлигидир.

1884-1916 йилларда Камерун Германиянинг мустамлакаси бўлган. 1919 йилда эса у иккига бўлиниб, ярми Буюк Британия, ярми Франция таркибига киритилган. Мустақилликни кўлга киритганига 38 йил бўлишига қарамай, давлат ичидаги бу келишмовчилик ҳамон давом этаётди.




### ЖАЛА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Бир неча кунлик нисбий сокинликдан сўнг Марказий ва Шимолий Хитойнинг кенг ҳудудлари яна ёмғир жаласи остида қолди.

Мазкур минтақалардаги июнь ойи ёмғирчиликлари кўлами ойлик ўртача меъёрдан деярли икки марта ба ошиб кетди. Бунинг натижасида кўпгина дарёлар ўзанидан тошиб, қатор жойларни сув тошқини ювиб кетаяпти.

Табиий офатдан энг кўп талофат кўрган Шэньси вилоятида, ёмғир ҳамда сув тошқинлари оқибатида 152 киши ҳалок бўлди ва деярли 300 киши дом-дараксиз йўқолди. Умуман, офат ўз ҳукмини ўтказаятган ҳудудларда қурбонлар 205 кишига етди, ушбу сув балосидан азият чекканлар сони эса 30 миллиондан ошди.



Прага.

### Шарҳловчи минбари

## ИСПАНИЯ ТЕРРОР ДОМИДА

Буюк Британия ташқи ишлар вазирлиги мамлакатнинг Испаниядаги сайёҳларини эҳтиёткорликка чақирди. Буюк Британия ҳукуматининг хавфсиратганига сабаб эса ушбу мамлакатда кетма-кет содир этилаётган террорчилик ҳаракатларидир.

ПАТА-ТАСС ахборот маҳамасининг хабарига кўра, ЭТА ташкилотига хирувчи Баск айирмачилари ўтган жума кунини Фуэнхирол, Марбелья ва Сарагоса шаҳарларида динамит жойланган автомобилларни портлатган. Биринчи портлаш оқибатида Лондондан келган сайёҳ оғир жароҳатланган. Шунингдек, британиялик икки нафар бола ҳам жабр кўрган.

Кузатувчиларнинг фикрича, Баск айирмачилари террорчилик ҳаракатларини жума кунига режалаштиргани бежиз эмас. Шу кунини Севилья шаҳрида Испания раислигида Европа Иттифоқининг ёзги саммити бошланган.

Дастлаб Баск террорчилари мамлакатнинг курорт шаҳри бўлмиш Фуэнхиролдаги «Лас Пирамидес» меҳмонхонасида портлаш уюштирди. Маҳаллий полиция меҳмонхона мижозларини хавфсиз жойга кўчиришга улгургани учун қурбонлар бўлмади. Шунга қарамай, олти киши жиддий жароҳатланди. Орадан кўп ўтмай, яна бир курорт шаҳар – Марбельяда автомобил портлаш ҳавога ўчди. Хайриятки, бу сафар жабрланганлар бўлмади.

Жума кунини кечга бориб эса Сарагоса шаҳридаги йирик савдо марказида портлаш содир этилди. Бу сафар ерости авто-

мобил сақлаш жойида машина портлатилди. Оқибатда катта моддий зарар кўрилди.

Баск террорчилари кўпуровчиликни намойишкорона амалга оширди. Ҳар гал портлаш олтидан номалум шахс тегишли ташкилотларни кўпуровчилик амалга оширилиши ҳақида огоҳ этди.

Европа Иттифоқининг Севильяда очилган кенгайтирилган саммити ана шундай портлаш овозлари остида ўтди. Бироқ террорчиларнинг ушбу ҳаракатлари саммит ишига ҳалал бермади. Иштирокчилар ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим масалалар, жумладан, ноқонуний муҳожирликка қарши курашни кучайтириш, Европа Иттифоқи сафини кенгайтириш масалаларини муҳокама этди.

Саммит ташкилотчиларнинг маълум қилишича, тадбирда Европа Иттифоқи аъзо мамлакатлардан мингдан ортиқ делегат иштирок этган. Уларнинг хавфсизлигини эса тўққиз минг полициячи кўриқлади.

Тартиб посбонларининг бу қадар кўпчилигига фақат террорчилик хавфи сабаб бўлгани йўқ, албатта. Бир ёқдан аксилглобалчилар ҳам саммитга тиш қайраб турарди. Хабарларга қараганда, шу кунини мингдан ортиқ киши норозилик намойиши ўтказган. Шу боис давлат ва ҳукумат раҳбарлари кўноқ бўлган шаҳарнинг тарихий маркази бўлмиш «Алфонсо XIII» меҳмонхонаси беғона кишилар учун яқинлашиб бўлмас қалъага айлантирилди.

Кези келганда шунини ҳам айтиш лозимки, сиёсатчилар сўнгги йилларда Европа ҳамжамияти учун ноқонуний муҳожирлик чинакам муаммога айланганини кўп таъкидламоқда. Ҳар ойда Жанубий Европа мамлакатларига Ўртаер денгизи орқали Осиё, Африка ва Яқин Шарқдан минглаб муҳожирлар келади. Бироқ Европага ҳалол меҳнатдан қочмайдиган ва маҳаллий қонунларни ҳурмат қиладиган муҳожирлар керак. Аксинча, чегарани хуфёна бузиб, жиноий гуруҳлар ташкил этиш мақсадида келадиган дайдиларга нафақат Европа мамлакатлари, балки бошқа давлатларда ҳам ўрин йўқ.

Саидмурод РАҲИМОВ,  
ЎЗА шарҳловчиси.

### ОРОЛ СИЗНИКИ БЎЛИШИ МУМКИН

Тинч океанида жойлашган Гавай ороллари сони 24тадан иборат. Уларнинг энг каттаси Ниихау оролининг майдони 161880 гектарни ташкил этади. Унинг хусусий эгаси — америкалик Робинсонлар оиласидир. Орол 100 миллион доллардан ортиқ баҳоланаяпти. Эгалари уни сотишга шошилишмаяпти. Лекин, ҳозирги вақтда «Д'Аррос» ороли савдога қўйилмоқда. У аслида халқа шаклидаги маржонлар ороли бўлиб, майдони фақатгина 243 гектарга тенг. Бу ерда кўрфаз, самолётлар учиб-қўниши учун майдон ва учта уй-жой бор. Шуларнинг ҳаммасига харидор «бор-йўғи» 21 миллион доллар тўласа бас, орол унинг ихтиёрига ўтади.



### 5,5 МИЛЛИОН ДОЛЛАРГА ТУШДИ

АҚШнинг Майами штатида бўлиб ўтган суд америкалик стюардесса Лини Френчнинг мамлакатдаги тўртта энг йирик тамаки компанияларига қарши даввосини кўриб чиқар экан, шундай қарорга келди.

Даъвогарнинг сўзлари қараганда, учувчилар хонасида ўтириб, улар чекан сигаретлар тутунидан нафас олгани учун унда сурункали синусит касаллиги кучайган. Линнинг ўзи эса ҳеч қачон чекмаган. Суд тамаки компанияларини стюардессага тоvon сифатида 5,5 миллион доллар тўлашга мажбур қилиб, жавобгарлар адвокатларининг синусит инфекция орқали ҳам юз бериши мумкинлиги ҳақидаги далилларини эътиборга олмади.




(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

### ЭНГ ОҒИР КИШИЛАР

АҚШ фуқароси Жон Бровер Миннокни эркаклар ўртасида энг семиз деб ҳисоблашади. Унинг бўйи 185 сантиметр бўлгани ҳолда оғирлиги 635 килограмм тошни босган. Энг вазни оғир аёл эса, Розали Брэдфорд бўлган. 168 сантиметр бўйга эга бўлган бу хонимнинг вазни 544 килограмм келган.

Испанияда ортиқча семизлик эпидемия шаклини оляпти ва тиббиёт ходимларида катта ташвиш туғдирмоқда.

Ҳар бир учинчи аёл, ҳар беш эркакнинг ва ҳар ўн боланинг бири вазни оғирлашишдан азият чекмоқда. Ҳар йили семизликни даволаш учун Испания тиббиёти деярли 2 миллиард евро сарфлашга мажбур бўлмоқда.



Турфа олам

Турфа олам

## ЁШ ИЖРОЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Мамлакатимизда иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг истеъдоди тўла намоян бўлишини таъминлаш борасида барча шароит яратилган.

Бу эса, ўз навбатида, навқирон ҳамюртларимизнинг турли нуфузли халқаро фестивал ва танловларда совринли ўринларни қўлга киритишида муҳим омил бўлаётди.  
Успенский номидаги Республика махсус мусиқа мактаб-интернати ўқувчилари яқинда бир йўла учта халқаро

танловда муваффақиятли иштирок этди. Жумладан, Руминияда ўтказилган халқаро пианиночилар кўрик-танловда ушбу мактаб ўқувчиси Элеонора Котлибулатова бош соврин - Гран-прини қўлга киритди.

Назокат УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири


## Болалик bog'i

### КИТОВ – ОҒТОВ DEYMAN

— Dil uyini munavvar  
Etar bizda nima bor? —  
Desalar, kitob, deyman,  
Kitob — oftob, deyman.  
Kitob — ilmning boshi,  
Kitob-da Yer yo'ldoshi...  
Kitobdan aqling unar,  
Kitobda ilm-hunar.

Unda olam kezasan,  
Hayot gashtin sezasan.  
Chiniqasan mehnatda,  
Kitobda hikmat katta.  
Kitob — mening jon-tanim,  
Unda ona-Vatanim,  
Saodatim, baxtim bor,  
Kitob — do'stim, beg'ubor!

Tolib YO'LDOSH.



### Қилмиш-қидирмиш

ватлади Руслан.

— Яхшиси биз ҳам ўша чойхонада ўтирсак-да, бир отамлашсак, — таклиф билдирди Дониёр. — Ахир «меҳнат»ларимизнинг «гашти»ни сурайлик-да.

— Майли, сен айтганча бўлсин, — деди Жасур, — кеч соат 18-00 да ҳаммамиз «Алибобо»да учрашамиз.

Хоразм кўчасида жойлашган «Алибобо» чойхонаси ҳаммаша хўрандалар билан гавжум. Бу-ерга кириб келган тўртовлон чек-қароқдаги жойлардан бирига чўқдилар. Ўртага ичкилик тортиди. Оғзи қизиган ҳамтовоклар кўчага чиқдилар. Шу пайт уларнинг нигоҳи ўтиб кетаётган йўловчига тушди.

— Тутатиб олсам... — гугурт сўради йўловчидан ўткир.

— Кечирасиз, мен чекмайман, — деди йўловчи.

— Баҳона қилма, қурумсоқ? — биқинига мушт туширди Руслан.

Ўзини ҳаммадан кучли ҳисоблаган Жасур фурсатдан фойдаланиб йўловчи Сайдамиловни дўппослай кетди. Ҳамтовоклари ҳам ундан қолишишмади...

Жароҳатланган С.Сайдамилов эртасига шифохонага ётқизилди. Воқеа сабабчилари изларини йўқотиб улгурмасларидан милиция бўлимига чақирдилар. Шу билан «тўрт оғайни ботирлар»нинг қароқчилик фаолиятига чек қўйилди. Жиноятчилар, албатта, қилмишларига яраша жавобгарликка тортилдилар. Уларга 8 йилдан 10 йилгача бўлган қамқоқ жазолари берилди. Лекин бундан улар хулоса чиқаришармикин? Жасурчи? 19 ёшида иккинчи бор панжара ортида.

Руслан ва ўткир эндигина ўн саккиз ёшга қадам қўйишди. Дониёр 20 ёшда. Уларнинг тенглари илм йўлида изланишда, меҳнат кўчюнда! Бу ёшдагилар мустақил ҳаёт йўлига тушиб олишган. Булар-чи? Бекорчиликнинг боши берк кўчасида санғишди. Оқибати эса, хунук воқеаларга олиб келди. Отана, маҳалла-қўй бу ёшларнинг тубанлик сари юз тутганликларини гўё сезмай қолишди. Аслида, бу — лоқайдликнинг аччиқ меваси!

Киши ундан халос бўлмас экан, бугун эътиборсиз қаралган майда-чўйдлар эртага жиноятга олиб келади. Шундай экан, хушёрликни кундалик фаолиятимизнинг дастури қилиб олайлик.

Неъматилла ЖАЛИЛОВ,  
Ангрен шаҳар судининг раиси.

### Бекажон

«ЧИҒАНОҚ» ПЕЧЕНЬЕСИ

Уни тайёрлаш учун 3 дона тухумнинг оқидан сариғи ажратилади. 3 стакан ун 170 г. сариёғ билан аралаштирилиб, тухум сариғи ва 100 г. қаймоқ ёки сметана солиб хамир қилинади. Кейин у икки соат музлатгичга қўйилади. Печеньенинг ичига солиш учун тухумнинг оқи 1 стакан шаккар билан яхшилаб кўпиртирилган масса тайёрланади.

Совутилган хамирдан ёнғоқдек келадиган зувалачалар ясалади. Ҳар бир зувалачани юпка қилиб ёйиб, ичига бир чой қошиқ тайёрланган массадан солиб, аввал ярим доира шаклида букланади, кейин яна бир марта чорак доира шаклида букланади-да, устки қавати чиғаноқнинг учиға биркитиб қўйилади. Тайёрланган чиғаноқлар духовкада пастроқ оловда 25-30 дақиқа давомда пиширилади. Печеньени совутиб, устига қанд упаси сеипи, дастурхонга тортилади.

Наргиза ҚУРБОНОВА,  
қандолатчи.

Янгийўл туманидаги 23-ўрта мактаб томонидан 1996 йилда Жаҳонгир Абдурашидович Абдуқоқомов номига берилган UZA № 073906 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

## КАРОҚЧИЛАР



Мақтабни амал-тақал тугатган Жасур (воқеа иштирокчиларининг исмлари ўзгартириб берилган) бирон касбнинг этагидан тутиш ўрнига бекорчилик кўчасига кириб кетди. Катталарнинг ўғити қулоғига кирмади. Ниҳоят, ўсмир ёшида жиноят содир этди. Амнистия бўйича барвақт жазони ўташдан озод этилди. Лекин бундан тегишли хулоса чиқармади. Панд-насихатлар яна зое кетди. У ўйдан, оила аъзоларидан мумкин қадар йироқ бўлишга уриниб қолди. Енгил-елги ҳаёт кечиршига мойил дўстлар орттирди...

... Навбатдаги режа бўйича «ов»га чиққан Жасур ҳамтовоклари билан шом қоронғусида шахримизнинг 5-дахасида жойлашган бозорда пайдо бўлди. Улар бир чеккада суҳбатлашган каби йўловчиларни кузата бошлашди.

— Бақуватроққа ўхшайди, — ўн қадамча нарида ўтиб кетаётган йигитга ишора қилди Жасур. — Хўш, нима дейсизлар?

— Нима дердик, сизнинг назарингизга тушдимми, бас-да, — иршайди Дониёр.

Дўстларининг сўзларидан ўзида дадиллик сезган ўткир йўловчи йигитнинг орқасидан эргашди.

— Сизда гапим бор эди, мумкин бўлса у ёққа ўтиб... — ўткир йигитга уй бурчагини кўрсатди.

— Шу ерда айтаверинг, — ажабланди йўловчи.

— Кўчада айтадиган гап эмас-да, дўстим, — ўткир йигитнинг қўлигидан ушлаб хилватга бошлади. — Қолаверса, сизнинг гапларингиз йигит кишига хос эмас.

— Хўш, нима демоқчисиз ўзи? — йўловчи у билан уй бурчагига ўтди.

— Хуллас... — гапни айлантирди ўткир, — қўлингиздаги соат керак.

— Тушунмадим...

— Кейин, чўнтакдаги пул ҳам! Нега тушунмайсан?!

— Қорнига туширсанг тушуниб қолади, — деди уларнинг орқасидан етиб келган Жасур. — Эй, болалар нимага қараб турибсанлар?

Давангирдай тўрт қароқчининг пўписаси йигитни гангитиб қўйган бўлса-да, у талаб қилинган нарсаларни осонликча бериб қўймади. Кетма-кет тушаётган мушт зарбларидан жабранувчи уй деворига суяниб қолди.

Бундан фойдаланган қароқчилар унинг қўл соати ва чўнтагидан 12 минг сўм пулни олиб қўйдилар.

Текин лўқма тез ҳазм бўлди. Шу куннинг ўзида навбатдаги «операция»нинг

«режа»сини туздилар. Орадан бир соат вақт ўтиб, Охунбобоев истироҳат боғида ҳозир бўлдилар. Қарангки, бу ерда улар яна «гўштли» «ўлжа»га дуч келдилар. Йўқ, қароқчилар чарм курткали бу йигитни гап билан гангитиб ўтирмадилар. Унга тўсатдан ҳужум қилдилар.

— Инсоф борми, сизларда? — устидаги 85 минг сўмлик курткани, 37 минг сўмлик оёқ кийими, 27 минг сўм пулидан ажратган йўловчи йигитлардан шафқат кутди.



— Инсоф дейдими? — Жасур хоҳолаб кулганча ҳамтовокларига юзланди.

— Э-э, хум калла, инсоф — бозорда, пулга сотилади? — Жасур қўлидаги синдирилган чўпни жабранувчининг юзига отди.

Ҳамтовоклар қўлга киритилган жами 149 минг сўмлик ўлжани шу ернинг ўзидаёқ тўртга тақсимлашди.

Қишнинг қирчиллама совуғида оёқ яланг, усти юпун қолган жабранувчи Р.Усмонов хушини йиғиб, ўрнидан турди-да, уйлар оралигидан ўтиб бориб, милиция бўлимига яқинлашди.

Жасур, Дониёр, Руслан ва ўткирлар эртаси кун яна янги режа устида бош қотирдилар.

— Нима кўп, чойхоналар кўп. Уларнинг атрофида маст-аластлар ундан кўп, — деди мулоҳаза билан Жасур. — Ушаларнинг пуллари бор-да, бўлмаса ичишармиди?

— Тўғри, — «устоз»нинг фикрини қув-

собақаларида 200 метр масофада кумуш медал соҳиб бўлди ва 500 метр масофада бронза медални қўлга киритди. Бизнинг яна икки эшакчимиз — Ю.Борзова ва Д.Соцкий ҳам кучли ўнликдан ўрин олди.

Ёш спортчиларимизнинг мураббийлари улар бундан буён ҳам халқаро спорт майдонларида Ватан шухратини муносиб ҳимоя қилади, дея ишонч билдирмоқда. Уларнинг галабага бўлган интилиши, энг мураккаб мусобақаларда намоян бўлаётган матонати ва жасоратининг асоси — ҳақиқий ватанпарварлик, Ўзбекистоннинг — кучли ва эркин ёш авлод тарбияси устувор бўлган мамлакатнинг халқаро нуфузини оширишга ўз улушини қўшиш ниятидир.

(ЎЗА).

## МАҲАЛЛА ПОЛВОНЛАРИ МАЙДОНГА ТУШАДИ

Мамлакатимиз ёшларини бирлаштирадиган яна бир ҳаваскорлар мусобақаси — ўзбек кураши бўйича маҳаллалар ўртасида «Маҳалламиз паҳлавонлари» турнири ўтказиладиган бўлди.

Мазкур турнир Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси, Ёзувчилар уюшмаси ва Халқаро кураш институти ташаббуси билан ташкил этилмоқда.

Кураш бўйича «Маҳалламиз паҳлавонлари» мусобақаларини ўтказишдан асосий мақсад спортнинг бу турини аҳоли ўртасида кенг тарғиб ва ташвиқ этиш, ёш авлодни жисмонан бақувват, мустаҳкам иродали, ҳар томонлама баркамол бўлиб етишишига замин яратиш, иқтидорли полвонларни аниқлаш, маҳаллаларда кураш секциялари ҳамда клубларини ташкил қилишдан иборатдир.

Мусобақа низомда белгиланганидек, тўрт босқичда — маҳалла, туман (шаҳар), вилоят ва мамлакат миқёсида ўтказилади. Маҳалла босқичи мусобақалари 1 июлдан бошланади.

ЎЗА.

## Sport Sport Sport

### ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР ОСИЁДА БИРИНЧИ

Малайзиянинг Серембран шаҳрида 19-25 июнь кунлари бўлиб ўтган бокс бўйича Осиё чемпионатида республикамиз спортчилари бешта олтин ва учта бронза медални қўлга киритди. Унда 27 мамлакат вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон шарафини 8 нафар боксчи ҳимоя қилди. Б.Хидиров (54 килограмм вазн тоифасида), Б.Сарсекбоев (63,5 килограмм), Ҳ.Ҳайдаров (75 килограмм), И.Бердиев (81 килограмм) ва Р.Саидов (91 килограммдан юқори) Осиё чемпиони унвонига сазовор бўлди. Т.Дониёров (51 килограмм вазн тоифасида), Ш.Хусанов (67 килограмм) ва С.Михайлов (91 килограммга-

ча) бронза медални қўлга киритди. Умумжамоа ҳисобида терма жамоамиз биринчи ўринни эгаллади.

Деярли шу вақтда — 18 июндан 25 июнгача Германиянинг Дуйсбург шаҳрида бўлиб ўтган байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича Жаҳон кубоги яқунлари ушбу стратегиянинг амалийлигини яна бир бор исботлади. Ўзбекистон вакили А.Ряхов яқка эшакчилар му-

**ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ**  
Ташкилотнинг асосий мақоли

Муассис  
**ТОШКЕНТ**  
ВИЛОЯТИ  
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир  
**Фатҳиддин**  
МУҲИДДИНОВ

Шифонхоналар  
Хатлар ва оммавий  
ишлар бўлими: 133-40-48.  
Эълолар:  
133-40-48, 136-57-27.

Манзилими:  
700000, Тошкент  
шаҳри, Матбуотчилар  
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат  
матбуот қўмитасида 8 рақамли  
билан рўйхатга олинган.  
Газета «Тошкент ҳақиқати»  
тахририяти компьютер  
марказида терилди ва  
саҳифалонди.

• Эълон ва билдирув-  
лардаги факт ҳамда да-  
дилларнинг тўғрилиги учун  
реклама ва эълон берув-  
чилар масъулдир.